Текширувчиларнинг аниқлашича, усимлик микроорганизм истеъмол қиладиган канд ва органик моддаларни узининг вегетация даврн 4-5% миқдорида ажратиб чикаради. Ризосфера микроорганизмлари фа* усимликлар ажратадиган органик моддалар ҳисобига яшамасдан чириётг илдиз эпидермуси ва илдиз тукларидан ҳам озик сифатида фойдаланилад Текширишлардан маълум булишича, хар қайси усимликларнинг узига х ризосфера микрофлораси булади. Масалан, Е.Ф.Берёзова бошоад усимликлар илдизиди купинча аммонификаторлар, денитрификаюрл булишини; маккажухори илдизиди анаэроб азот тупловчилар; картой илдизиди микробактерия, актиномицет ва бошкалар булишини аниқлал Ризосфера микроорганизмлари усимликлар ажратадиган турли орган] моддалар ҳисобига яшаши билан бирга уз навбатида усимликларни усии учун зарур булган турли

элементлар (азот, фосфор, витамин ва бошкала билан таъминлайди. Ризосфера микроорганизмлари спора хосі килмайдиган микроблар туркумига кирсалар хам, асосан тушх микрофлорасига якин туради. Ризосфера микроорганизмлари усимликл] илдизида, илдиз атрофида жойлашишларига караб бир неча группа булинади. Е.Ф.Берёзова илдизга ёпишган микрофлора усимлик учун кап ахамиятга эга эканлигини, чунки бу микрофлора беришдан ташкари, усимликл илдизини зарарли микроорганизмлар таъсиридан сакдашини аниклага Илдиз атрофига якин жойлашган микроорганизмлар тупрокдаги усимл! узлаштира олмайдиган моддаларни енгил узлаштира оладиган холат айлантиради; бундан ташкари, усимлик илдизидан чикадиган баъзи би зарарли моддаларни парчалайди. Шунинг учун бундай микроорганизм усимликларнинг усишида ката ахамиятга эга.

Ризосфера бактерияларини Н.А.Красилников усулида аниклангаш аввало, стерилланган пинцет билан илдизга ёпишган тупрок эхтиётлик бил! олиниб, стерилланган Петри ликобчасига солинади. Сунгра тупрокдан 1 тортиб олиб стерилланган колбага солиб, устига 99 мл стерилланган су куйиб, бир икки минут давомида яхшилаб чайкатади, кейин стерилланп пипетка ёрдамида стерилланган сувга кушиб колбада навбатдаги эритмал хосил килинади. Масалан, 1: 100000 ёки 1 : 1000000, ундан юкори 1 100000000 нисбатда эритма тайёрланади. Туртинчи-бешинчи ёки бешинч олтинчи эритмадан 1 мл дан олиб иккита Петри ликобчасига ДПА I экилади. Экилган ликобчалар 23-25С термостатга икки-уч кунга куйилаЛ Кейин ликобчада усиб чиккан колонияларнинг морфологик, физиолоп хусусиятлари ^рганилиб, микроблар тупламнинг сони 1 г тупрокка х.исо(килиниб, умумий сони аникланади.

Ризосфера бактериялари Е.С.Теппер усулида аникланганда усимликл илдизини кесак булакчаларидан тозалаб тахминан 1 г илдиз тортиб олиб, 5 мл стерилланган сув солинган колбада 2 минут ювилади. Сунгра илдизлар стерилланган пинцет ёрдамида колбадан суви силкитиб олиниб, 50 мл сув солинган бошка колбада яна ювилади. Шундай килиб 7 марта ювилади. 6 ва 7 марта ювилаётганда колбага 3-5 г стерилланган кварц куми солиниб ювилади.

Биринчи, иккинчи ювилганда ювиндида тупрок микрофлораси колади; туртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи марта ювилганда илдизга ёпишган ризосфера микроблари колади. Бу ювиндилар керакли даражагача стерилланган сувда эритилиб, ГПА ёки ДПА мухитлари юзасига шпатель ёрдамида экилади. Петри ликобчасидаги ГПА ёки ДПА юзасига стерилланган пипетка ёрдамида 0,05 мл (1 томчи) эритма куйилади ва шпатель билан

мухитнинг юзасига куригунича суртилади, сунгра икки-уч кун давомида 25С термостатга куйилади, сунгра ликобча юзасида ушиб чиккан бактериялар тушамининг сони 1 мл эритмага хисоб килиниб, 1 г илдизда канча ризосфера микроби борлиги аникланади. Масалан,

0,05-500

1-X

$X = \frac{1 \cdot 500}{0,05} = 10000$.


0,05

Керакли жихозлау: Микроскоп. Усимлик илдизлари, стерилланган Петри ликобчалари, иммерсион мой, 50 мл 6-7 та сув колбачалар, стерилланган кварц куми, буюм ва коплогич ойначалар, бактериологик сиртмок, скальпель, пинцетлар. Озика мухит. Буёклар (метилен куки, фуксин, генциан-виолет), Торози тошлари билан.

60 с

Илдиз пробиркага солинади

Пробиркадан илдиз олиб ташландди



60 с

Илдиз ЯНГИ пробиркага утказилади

Илдиз ЯНГИ пробиркага Стказилади

V

1-юввщ

2-ювнт

3-ювит

Ризосфера микроорганизмларини аниклаш

МАВЗУ: ЭПИФИТ МИКРООРГАНИЗМЛАРИНИ

АНИКЛАШ.

Топпирик ва маишгулот утиш тартиби:

ГПА солинган Петри ликобчаларида унган микроб колониялари! микдорини санаш ва 1 грамм донда канча мироб борлигини аниклаш.

Методик курсатма:

Ризосфера микроорганизмлари усимликлар утиш даврида илдизидЦ танасига хам кутарилади ва усимлик танасига ташки мухитдан чам хашаротлар оркали хар хил микроорганизмлар юкади. Усимлик танасЛ учрайдиган микроорганизмлар **эпифит микроблар** дейилади. ЭпифЛ микроорганизмлар асосан сапрофитлар туркумига кириб, улар усимл тукималаридан ажралиб чикадиган хар хил чикиндиляр ва усимл танасидаги турли органик моддалардан озик сифатида фойдаланади.

Эпифит микроблар факат усимлик танасида, баргида ва гулида эм балки дони, турли меваларида, шунингдек сабзавотларнинг ер уст кисмида куплаб учраши мумкин. Текширувчиларнинг маълумотларига кур

1 г сифатли донда бир неча миллион эпифит микробларни учратиш мумки

Е.И.Квасников, М.Г.Сумневич ва Ю.М. Возняковскаяларн* маълумотларига кура, эпифит микроблар туркумига ***Pseudomonas*** гуруҳи кирувчи микроблардан ташкари, ҳар хил замбуруглар шарсимон микроблар таёкчасимон микроблар ва сут кислота ҳосил қилувчи бактериялар ҳи қиради. Усимлик танасида учрайдиган микроблар усимликнинг усини зарар етказмайди, эпифит гуруҳига кирувчи баъзи бир зарарли замбуруглар эса усимлик танасидан илдизига утиб усимликнинг ҳосилдорлигига таъс қилиши мумкин.

Усимлик танасида учрайдиган эпифит микробларни аниқлаш уч] стерилланган пинцет билан бошқадан олинган дондан 10 г торозида тори олиниб, 90 мл стерилланган сув қуйилган қолбаларга солинади ва 5 стериллаган қум қушиб, 10 минут давомида яхшилаб чайқатилади. Ҳосил булган ювиндидан 1 мл олиб, 1:10000 гача эритма ҳосил қилиниб, 1 мл ол! иккита Петри ликобчасига экилади. Бактерия аниқданиши керак бўлса эритма ДПА га экилади, агар эритмадан замбуругларни аниқлаш кер! бўлса сусл-агарга экилади.

Сабзавотлар уруғидаги эпифит микробларни аниқлаш учун уруғдан 1 г олиб, 9 мл стерилланган сув қуйилган қолбаларга солиб, устидан 11 стериллаган қум қушиб, 10 минут давомида яхшилаб чайқатилади, ҳосил булган ювиндидан 1:10; 1:100 ва 1:1000 нисбатда эритма тайёрланиб сусл агарга экилади. Экиланган ликобчалар икки-уч кун давомида 23-25° термостатда сақданади, сунгра озик муҳити юзасида униб чиққан ми! туламларининг хусусиятлари урганилади.

Керакли жихозлар: Микроскоп, Усимлик уруғлари, стерший! Петри ликобчалари, иммерсион мой, 99 мл ва 9 мл сув соли] пробиркалар, стерилланган кварц қуми, буюм ва қоплогич ойнач бактериологик сиртмоқ, скальпель, пинцетлар. Озика муҳит. Буюклар (метилен қуми, фуксин, генциан-виолет), Торози тошлари билан.


МАВЗУ: УСИМЛИК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ

Тоширик ва машғулот утиши таотиби: 1. Касалликни ташқи белгилари билан танишиш. 2. Касаллик белгиларни расмларини қизиш.

Догларни. Усимлик туқималарнинг нобуд бўлиши туфайли унинг аъзоларида доғлар юзага қелади, бундай ҳолни қушимча барг ва меваларда қузатишимиз мумкин. Доғлар шакли жихатидан юмалок, қурик, маълум Шаклсиз, бурчакли, ҳошияли ва бошқа турда; уларнинг ранги оқ, қуригир, қора, сарик, қул ранг, қизил ҳошиялари ҳам турли рангда бўлади; доғларни замбуруглар,


бактериялар, вируслар ва атроф мухитнинг нокулай шароитлари юзага келтириши мумкин.

Догланиш билан танишишда узида шу белгини яккол намоён килган усимликни куйидаги касалликлари билан танишиш керак: урик клястероспориози, картошка фитофторози, кулупнай ок догланиш касаллиги (замбурут келитириб чикарган касалликлар), бодринг бактериози, гуза гоммози (бактерия келтириб чикарган касалликлар), бодринг мозаикаси, ловия мозаикаси (вирус кузгатган касалликлар), ток ва гуза хлорози (юкумсиз касаллик).



Догланиш: 1-урикни клястоспориози, 2-гуза гоммози, 3-бодринг мозаикаси, 4- токнинг мозаикаси


Губорларни хосил булиши. Усимлик касаллигини бу тури замбуруглар учун хос булиб, зарарланган барг, поя ва меваларда замбуругнинг мицелийси ва спораларнинг туплами юзага келади. Бу губорлар турли рангда булиб, зарарланган усимлик юзасидан осонлик билан сидирилади. Айрим холларда губорлар тукумаларда узгаришларни вужудга келтирмайди. Губорларнинг хосил булишига яккол мисол килиб ун шудринг касаллиги олиш мум! Галла донли экинларнинг баргларида, поясида, бодрингнинг барги ва ай] холда мевасида ок ёки кул ранг осонлик билан сидириладиган губорла кузатишимиз мумкин.



Губорларни хосил булиш белгиси: 1 -бодрингни ун-шудрингги, 2-

бугдойЯ
ун-шудрингги


Ёстикчаларни хосил бўлиши. Касалликнинг бу тури ҳам замбурупи учун хосдир. Ястикчалар зарарланган усимлик сиртида замбуругн» споралар телами юзага келади. Споралар етилгунга қадар сиртид эпидермус билан қопланиб туради, эпидермус ёрилиб, ташқарига чиққан ет споралар шамол ва ёмғир орқали атрофга тарқалади. Ястикчаларни шакллари хужайин усимликнинг хусусиятига боғлиқдир. Ястикчалар бил танишиш учун галла донли экинларнинг таргил поя занг касаллиги олишимиз мумкин. Зарарланган усимликнинг поясида ва барг қултиги эпидермиснинг ёрилган қисмидан қунгир ёки қорамтир рангли қукунсим споралар тупламини қурамыз.



Ёстикчаларни хосил бўлиши: 1, 2-бугдойнинг занг касаллиги

Сулиш Усимлик касалликларининг қуп тарқалган турларидан бири бул! Бунда усимлик бутунлай ёки унинг айрим қисми тургор ҳолатини йукота, Бу касаллик тури бир йиллик усимликларда ҳам ва қуп йиллик усимликла] ҳам, шу билан бирга мевали дарахтларда ҳам учрайди. Зарарлая усимликнинг қупинча юқори қисми сулиши ва утказувчи туқима найл қунгир тусга қириши қузатилади. Бунда гузанинг вертициллёз су касаллиги мисолида қуришимиз мумкин.

Шишлавни хосил бўлиши. Усимлик аъзоларида шишларни хосил бўлиши, қупинча зарарланган туқима хужайраларининг ҳажмининг катталашishi натижасида усимлик аъзоларининг нотугри ривожланиши сабабли (гипертрофия- қарам қиласи) ёки туқима хужайраларини сонининг ошиши туфайли (гиперплазия - мевали дарахтларининг рак касаллиги) юзага келади. Шишларни хосил бўлишини қарам қиласи ва мевали дарахтларнинг бактерия раки мисолида қуриш мумкин.



Сулиш: 1-гуза вертициллези. **Шишларни хосил булиши:** 2-карам киласи.

Усимлик аъзоларини узгариши. **УСИМЛИК** касаллигининг бу турига айрим халтали замбуруглар, вирусдар ва бошка сабаблар туфайли юзага келадиган усимлик аъзоларидаги (барг, поя, мевада) узгаришларини олиш мумкин. Усимлик аъзоларини узгаришларнинг куйидаги турлари мавжуд:

“Бужмайиш” (тиришиш, буришиш, буралиш) баргларнинг паренхима хужайраларини барг томирларига нисбатан тез ривожланиши туфайли буларнинг оралик кисми буртиб чиқади, масалан шафтоли баргини бужмайиш касаллиги.

“Данаксизланиш” данакли мева дарахтларининг гул тугунчасини зарарланиш натижасида нотугри ривожланиши туфайли данаксиз мева копчаси юзага келади (олхури мевасининг данаксизланиши).

“Супуугининг хосил булиши” усимлик пояларини нотугри ривожланиши окибатида юзага келади. Буни замбуругнинг айрим авлодалри (олчада - Тарhina авлодига мансуб замбуруглар) ёки микоплазмалар (толда) юзага келтиради. Касаллик туфайли поялар майда ва тупланиб усиб, куриниши супургини эслатади.

Барг ва меваларни шаклини узгариши вирус келтирадиган касалликлар туфайли юзага келади (гузанинг баргини бужмайиши, картошка ва помидорнинг столбур, баргларни папортниксимон булиш касалликлари).

Елимларнинг хосил булиши. Бу касаллик тури купинча дарахтсимон айрим холларда бошка усимликларнинг поя, новда ва меваларида ташки мухитнингш нокулай шароити ёки микроорганизмлар юзага келади. Зарарланган усимлик аъзосининг хужайраси ва хужайра деворларини гидролизланиши туфайли саргиш ёки кунгир рангли айрим холда котиб Коладиган улимсимон модда ажралиб чиқади.

Чирши. Касалликнинг бу тури куп таркалган касалликлардандир. Усимликнинг этли, озука моддага ва сувга бой кисми (хул мева, туганаклар, илдиз мевалар) купинча чирийди. Купинча усимликнинг асосида хам бу

холни кузатиш мумкин чириш 2 хил булади - хул ва курук чириш. чиришда замбуруг ва бактерия таъсирида тукима юмшаб колади. Ку чиришда эса хужайра деворининг емирилиши туфайли тукима укалан кукунсимон массага айланади.

Чиришга мисол килиб картошкани **курук** ва хул чиришини ха сабзавотларни омборхонада саклаш давридаги чиришларини (сабзини ок | к^ран^ншиип^пшпимиз мумкин.

1 . Ш Г Ш » 2 . ИР*-'3.

Усимлик аъзоларини узгариши: 1 -шафтолининг бужмайиши.

Чириш:2- картошканинг хул чириши, 3-картошканинг хурук, чириши.

Керакли -жилтшлад.-Усимлик касалликларини ташки белгилари билан таништириш буйича утказиладиган дарсга касалликларни турларига таъалукли гербарий намуналари, усимликларнинг пояси, барги, илдизи, гул] хамда меваларидан олинган бўлиши керак. Лупалар.

МАВЗУ: МИЦЕЛИЙ ВА УНИНГ ШАКЛ УЗГАРИШЛАРИ.

Топширик ва машгулот у шии тартиби: 1.Бир хужайрали ва к хужайралн мицелийлар билан танишиш. 2,Мицелийнинг шакл узгаришла (оидий, хламидоспора, склероций, ризоморф) билан таниши

3.Мицелийларни микроскопда куриш ва расмини чизиш.

Мицелий - бир неча гифалардан тузилган.

Ги<Балар - бу мицелийни ипларидан ташкил топган.

Бир хужайрали - мицелийларнинг (хужайралари) танаси бугимлар булинмаган булади (*Micos*).



Куп хужайрали - мицелийларни танаси бугимларга булиган була; (*Rhizoctonia*).

Склероциялар - гифаларни бир-бири билан бирлашнши натижаси, пайдо булади. Улар озукага бой буладилар **Мисол**- жавдарни спрои касаллиги.

Оидиялар - бу мицелийларни булиниши натижасидапайдо бул хужайраларднр. Бу хужайраларни ташки кобиклари ингичка ва уларни та куриниши думалок шакл да булади. **Мисол** - хамнртуруш.

Хламидоспоралар - мицелийларни булиниши натъижасида п булган хужайралар ёки хужайраларни тупламларидир. Хламидоспорал кобиклари каттиклашган булади. Бундай кобиклар ёрд хламидоспоралар узок муддатгача нокулай шароитида сакланади. **Мисо** бугдойдаги катгак кора куя касаллиги.





3

4 *гифы*»s

Мицелий ва унинг шакл узгариши. 1- бир ва куп хужайрали мицелий.

2- *склероций*. 3-хламидоспора. 4-ризоморф. 5- оидия

Ризоморфлар - кора рангли иплардан ташкил топган булиб, бакувват шохланган узунлиги бир неча метргача бориши мумкин, лекин калинлиги эса бир неча мм га тенг келади. Ризоморфлар гифлардан пайдо булиб ташки тузилиши билан бошкалардан фарк килади.

Керакли жихозлар. Гербарийдан намуналар (хамиртуруш,

бугдойнинг каттик кора куя касаллиги ва пукаклар). *Miscor*, *Rhizoctonia* замбуругларини соф культураси. Микроскоп, коплогич ва буюм ойначалари, спирт лампаси, сиртмоқ- Рангли жадваллар.
МАВЗУ: ЗАМБУРУГЛАРНИНГ КУПАЙИШИ.

Топширик ва машғулот утиш тартиби: 1 .Веgetатив, жинссиз ва жинсий купайиш (зооспорангий, спорангий, конидия) билан танишиш.

2. Спораларни микроскопда куриш ва расмини чизиш.
 Замбуруглар бир неча йуллар билан купаяди: Веgetатив, жинссиз ва жинсий.

1. *Веgetатив купайиш* - бу купайишда замбуругларнинг мицелийлари булакларга булинадилар. Мицелийнинг булаклари у^{си}® мустакил индивидларга айланади. Замбуругларнинг мицелийси нокулай шароитда узининг танасини узгартириши мумкин. Шунинг учун замбуругларнинг веgetатив купайиши шакли узгарган мицелийлар ёрдамида ҳам утиши мумкин (хламидоспоралар, склероцийлар, оидийлар ва ризоморфлар).

2. *Жинссиз купайиш* - бу купайиш 2 хил спора экзоген ва эндоген споралар ёрдамида утади. *Экзоген* спораларга конидия ва конидия бандлар киради. Конидияларнинг ранги ва шакли хар хил булиши мумкин (шарсимон, таёкчасимон). Конидия банднинг ичидаги хужайра думалокланиб нозик тизимчага ухшаш занжирча хосил килади. У етилгандан кейин тизимчалар бир-биридан узилиб таркалиб кетади. Уларнинг купайиши конидиям шохланиши хисобига булади. *Эндоген* ички споралар буларга зооспорам ва спорангийлар киради.


Спорангий - Бу шарсимон булиб унинг ичида харакатсиз спорај тупланган булади. Агар споралар вояга етган булса (пишган) шу вақтда уд бушликдан ташкарига чикиб таркалади (*Мисог*).

Зооспорангий - Бу колбасимон булиб, унинг ичида харака! споралар (зооспоралар- бир ёки икки хивчинли) тупланган булади. Ат мухит кулай булса зооспорангийдан ташкарига зооспоралар чикади усимликларни зарарлаши мумкин.

3. *Жинсий купайиш*: Бу купайишда иккита хужайра кушилади споралар хосил булади.

аШланогамия купайишида иккита бир хил гамета кушилади натиж) харакатланувчи хивчинли планозигота ёки циста хосил булади. Бу йул бил хитридиомицетлар синфига оид замбуруглар купаяди.

бЮогамия купайишида хужайралар кушилади (оталик антерид хужайра ва ургочи ооганий хужайра). Буларни кушнлиши натижасида



Замбуругларни кўпайиши: 1- спорангий. 2- зооспорагий. 3-планогамия.
4-оогамия. 5-зигогамия. 6-аскомицетларни кўпайиши. 7- базидияли кўпайиши.
8-конидиябанд конидиялар билан

ооспора ҳосил бўлади. Шунинг учун бу процесс оогамия дейилади. Ооспоралар тупрокда ва усимлик қолдигига 5 йилгача сақданиши мумкин.

в) Зигогамия - бу кўпайишда морфологик бир хил иккита мицелий қушилади натижада зигоспора ҳосил бўлади.

г) Халтачалар ҳосил қилиш бунда иккита хужайралар қушилади. Битта хужайра - оталик хужайра - антеридий дейилади. Иккинчи хужайра - оналик хужайра -архикарп дейилади. Архикарп учта қисмдан - аскоген, трихогена ва аскоганий асосидан иборат. Жинсий кўпайишда яъни процессда антеридий аскогенга яқинлашиб трихогенага ёпишади ва қушилиш натижасида антеридийнинг ичидаги суюқлик аскогенга утади. Ядролар яқинлашади ва қушилади натижада аскогендан гифалар усиб чиқади, уларни ичида спорали халтачалар ҳосил (аскоспоралар) бўлади.

д) Базидияларни ҳосил қилиш- бунда икки хил мицелий (бирламчи гаплоид) қушилади ва диплоид мицелий ҳосил бўлади, диплоид мицелийдан усимта ҳосил бўлади яъни (базидиялар). Бу усимта иккита ядроли бўлади. Базидия устида туртта бир хил усимта ҳосил бўлади. Булингган ядролар биттадан усимталарга утади ва базидияспоралар ҳосил бўлади.

Бу споралар етилиб узилади ва атрофга таркалади.

Керакли жихозлар: *Mucor*, *Rhizoctonia* замбуругларини соф культураси. Доимий препаратлар. Микроскоп, коплогич ва буюм ойначалари, спирт лампаси, сиртмок. Рангли жадваллар.

МАЗУ: ЗАМБУРУГЛАРНИНГ МЕВА ТАНАЧАЛАРИ.

Топирик ва маиғулот утиш тартиби: Замбуругларни меватаначалари билан танишиш. Талабалар микроорганизмларни меватаначаларини микроскопда куриб расмларини дафтарларига чизадилар.

Замбуругларнинг меватаначалари уларнинг купайиши ва сакланишида катта аҳамиятга эга. Меватаналардан иборат булган мева таначалар бир неча хил булади:

Пикнида - шарсимон меватанача, унинг ичида конидиялар ва конидия бандлар жойлашган булади. Конидиялар рангли ёки рангсиз куп хужайрали (макроконидиялар) ёки бир хужайрали микроконидиялар булади.

Ложе - бу меватанача конидия бандларидан иборат булиб, буш тукилган мицелийлар орасида булади.

Клейстотеций - яъни ёпик меватанача. Унинг ичида халтачалар ва халтачалар ичида споралар (аскоспоралар) жойлашган булади. Споралар ташкарига мева тананинг пусти ёрилгандан кейин чикади. Клейстотециялар бир-биридан усимталарини тузилишига ва аскоспораларнинг сонига караб бир-биридан фарк килади.


Перитеций - яъни чала очик мева танадир. Бу типдаги мева таналар кузасимон булиб, учи бир кадар очик булади. Халтачалар мева тананинг

тагида туплам булиб, кутарилиб етилиши билан тешикча оркалли спораларЯ бирин-кетин ташкарига сочади. I

Апотеций- тарелкасимон ёки воронкасимон шаклда булган мей танадир. Унинг устида халтачалар ва аскоспоралар кенг катлам хоси килади. I

Пукаклар - Бу бир йиллик ёки куп йиллик булиб, юмшок этли ёки ёгочсимон булади, баъзан жуда катта булиб диаметри) м гача етади. Шакли турлича, ёйик пластинкасимон, туёксимон, купинча калпокчасимон буладI Бу оилага паразитлик билан х,аёт кечирувчи турли дарахтларда яшовчы замбуруглар киради. Уларнинг мева танаси куп йилик ва каттик булад Мева танасининг шакли туёксимон ёки конуссимон булади.

Керакли жихозлар: Замбуругларни мева таначалари билан танишн учун доимий препаратлар. Микроскоп, коплогич ва буюм ойначалари, сии| лампаси, сиртмок. Рангли жадваллар ва гербарийлар. (ёнгокнинг куши догланиши, беданинг аскохитоз ва ун-шудриет, олхуриннинг полистигмо кунгабокарнинг ок чиршиш касалликлари ва пукак мева танаси).



Замбуругларнинг мева таначалари: 1 -пикнида. 2-ложе. Ё-клейстотеций. 4-перитеций. 5-апотеций. 6-пукак

МАВЗУ: ЗАМБУРУГЛАРНИНГ СИСТЕМАТИКАСИ. ХИТРИДИОМИЦЕТЛАР СИНФИ, СИСТЕМАТИКАСИ ВА ВАКИЛЛАРИ

Топиширик ва машгулот утиши тартиби: Касаллик кузгатув замбуруглар ва касалликни ташки белгилари билан танишиш. Талабал замбуругларни микроскопда куриб, расмларни ва бу синф замбуруглар систематик урни курсатилган жадвалларни дафтарларига чизадилар.

Замбуругларнинг систематикаси. Х^{о3И}Р^{ГИ} замонда замбуруглар 2 гуруҳ,га ва 6 та синфга булинади.Тубан замбуругларга ва юксак замбуругларга булинади.

Тубан замбуругларнинг танаси ялангоч цитоплазмадан, амебоиддан ёки бир хужайрали мицелийдан иборат.

Юксак замбуругларнинг танаси куп хужайрали мицелийдан иборат.

Тубан замбуруглар учта эволюцион группага булинади:

1. Бир хивчинли зооспора хосил килувчи организмлар.
2. Икки хивчинли зооспора хосил килувчи организмлар.
3. Хивчинсиз ва характсиз спора хосил килувчи организмлар Тубан замбуругларга 3 та синф киради:

1. *Chytridiomycetes* (Хитридиомицетлар)
2. *Oomycetes* (Оомицетлар)
3. *Zigomycetes* (Зигомицетлар)

Юксак замбуругларга хам 3 та синф киради:

1. *Ascomycetes* (Аскомицетлар)
2. *Basidiomycetes* (Бизидиомицетлар)

3. *Deuteromycetes* (Деутромицетлар)

Chytridiomycetes (Хитридиомицетлар) синФи.

Бу синфга жуда содда тузилган замбуруглар киради. Бу замбуруглар вегетатив танаси амебоидан иборат. Амебоид спора хосил килишдан олдин пустлок билан копланеди.

Уларнинг купайиши зооспоралар оркали **утади**. Зооспоралар думалок ва битта узун хивчинли булади. Вегетация даврида амебоид хужайин усимлик хужайрасида яшайди. Амебоидда бир хивчинли зооспоралар хосил булади. Зооспоралар ташкарига чикиб усимликни зарарлайди.

Вегетация охирида хужайин усимликнинг зарарланган хужайраларида тинчлик даврини кечирадиган споралар хосил булади- цисталар. Улар турли йуллар билан хосил булади.

Айрим холда амебоид майда спораларга булинади, айрим холда амебоид калин пустлок билан копланеди ва цистага айланади (картошка). Циста жинсий процесс натижасида келиб чиқади.

Тинчлик даврини утган цистани ядроси редукцион булинади ва хосил булган зигота усиб гаплоид зооспорангиларни хосил килади.

Зооспорангийлардан чиккан зооспоралар яна усимликни зарарлайдилар.

Хитридиомицетлар - облигат паразитлар. Улар ривожланаётган ёш орган ва тукималарни зарарлайди ва усимликда унинг тукималарни кескин усиб кетишига олиб келади (гипертрофия).

Бу синфга кировчи замбуруглар 3 та тартибга булинади.

1- тартиб: *Plasmodiophorales* (ПлазмодиоФоралилар).

Бу тартибга кировчи замбуругларнинг вегетатив танаси усимликни зарарланган хужайрасида хосил буладиган амебоидан иборат.

Амебоид етилгандан сунг тинчлик даврини кечирувчи спораларга цистага булинади.


Бу тартиб битта оиладан *Plasmodiophoraceae* ва 2 та *Plasmodiophora*] *Spongospora* авлодларидан иборат.


1- *Plasmodiophora* авлоди - бу авлодга кировчи замбуругларнинг тин даврини кечирувчи споралар хужайин усимликни хужайраларида эре жойлашган. *Plasmodiophora brassicae* - карамда кила касаллигини келтир*

Касалланган усимликларнинг илдизларида шишлар хосил бул (гипертония).

Spongospora авлоди - бу авлодга кировчи замбуругларнинг тин даврини кечирувчи споралар зарарланган хужайраларда ёпишган хо булади.

Авлод вакили - *Spongospora subterranea* (картошкада парша) касалли хосил килади. Бу замбуруг усимликнинг ер ости кисмини зарарл туганакларида, илдизларида кушимча илдизлар гадир - будур шишлар хос килади.





2-мавзу6:М\хочvtridiales тартиби. Бу тартибга кирув организмларнинг вегетатив танаси амёбоид булиб, етилгандан сунг битта ёг бир нечта зооспорангийларга айланади. Бу туркум 2 та оиладан иборат:; *Olpidium* 2)*Sinchytrium* Бу оилалар бир-биридан зооспорангийларни со: билан фарк килади.

- ----- ^

..4 ^

1- *Plasmodiophora brassicae*. 2- *Spongospora subterranea*. 3- *Olpidium brassicae*. 4- *Sinchytrium endobioticum*

1.*Olpidium оиласи:* Бу оилага кирувчи замбуругларнинг амёбоиди би зооспорангий ва тинчлик даврининг кечирувчи спорангий хосил кил~ *Olpidium авлоди вакили* — *Olpidium brassicae* замбуруги карамда кора со касаллигини кузгатади.

1.*Sinchytrium оиласи* Зарарланган хужайрада пайдо булган амёбоид бир неча зооспорангий хосил килади. Оила вакили - *Sinchytrium endobioticum* картошкада рак касаллигини кузгатади.

Керакли жихозлар: Фиксация килинган материаллар (карамни кила касаллиги, картошкани рак, олма ёки картошкани парша касалликлари). Доимий препаратлар (картошканинг рак, карамнинг кила касаллиги). Микроскоп. Рангли жадваллар (карамни кила, картошкани кукунсимон парша, карамни кора сон ва картошкани рак касалликлари).

МАВЗУ: ООМИЦЕТЛАР СИНФИНИНГ СИСТЕМАТИКАСИ ВА ВАКИЛЛАРИ.

Топиширик ва машгулот утиши тартиби: Касаллик кузгатувчи замбуруглар ва касалликни ташки белгилари билан танишиш. Талабалар замбуругларни микроскопда куриб, расмларни ва бу синф замбуругларини систематик урни курсатилган жадвалларни дафтарларига чизади.

Оомицетлар синфига кирувчи замбуругларнинг вегетатив танаси яхши ривожланган мицелийдан иборат, аммо гифалари бир хужайралидир. Бу синфга кирувчи замбуруглар сувда сапрофитлик билан курукликда эса паразитлик билан яшовчи организмлардир.

Жинссиз купайиши. 2 хивчинли зооспоралар ёрдамида боради.

Жинсий купайиши. Эса оогамия йули билан булади.

1. *Saprolegniales*. 2. *Peronosporales*

1- тартиб: *Saprolegniales*-бу тартибига кирувчи замбуруглар улик хужайраларда усимлик колдикдарида яшайди. Вегетатив танаси яхши ривожланган. Мицелийси йугон ва шохланган булиб, субстратга ризоидлари

оркали ёпишади.

Бу тартибга Сапролегниация оиласи киради. Бу оила эса уз навбатида *Arhanomyses* - *Афономицес* авлодига булинади. Бу авлод вакиллари - зооспоралари ипсимон зооспорангийда хосил булиб, ундан, ялангоч протоплазма холда тупланиб чикадилар ва пустлок билан копланадилар. Кейинчалик эса пустлокдан ён томонида жойлашган 2 хивчинли зооспора билан чикади.

Авлод вакиллари: *A.socIIHo1c(e\$* - канд лавлагини корнеед касаллигини келтириб чакаради.

2- тартиб: *Peronosporales* бу тартибга кирувчи замбуругларнинг мицелийси куп ядроли ва яхши ривожланган булади.

Жинссиз купайиши 2 хивчинли зооспоралар ва конидиялар ёрдамида утади.

Жинсий купайиши эса оогамия ёрдамида утади.

Бу тартиб замбуруглари ооспора ва мицелий холида кишлайди.

Спорангий бандларининг тузилишига ва зооспоралар усимтаси хусусиятига асосланиб Переноспоралес тартиби 4 та оилага булинади.

1- *Aphanomyces cochlioides* 2 - крнд лавлагити корнеед касаллиги

1. *Pytiaceae* (пугация) 2. *Phytophthoraceae* (фитофторациз)

3. *Peronospora*
seae (переноспорациз), 4. *Albuginaceae* (альбугинация).

1- оила - *Pytiaceae*: Бу оила вакилларининг мицелийси зарарлангач усимлик органларининг сиртида ва тукима оралигида жойлашган булиб, спорангий бандлари оддий мицелийдан фарк килмайди. Булар усимлик ва сув утларида турли касалликларни юзага келтиради.

Бу оиланинг 1-авлоди - *Pythium* киради. Бу авлодга киргад замбурутларнинг мицелийсининг учиди зооспоралар жойлашган булади (конидия), лекин мицелийси зарарланган хужайралар ичиди жойлашгач булади. Бу авлоднинг вакиллари асосан усимликнинг униш даврида зарарлайди.

М-н: *P.debaryanum* Hesse - карам, лавлагити, горох, ковокдошлар, гуза ш бошка усимликларнинг майсаларини зарарловчи патоген.


2- оила *Phytophthoraceae* - Бу оилага кирган замбурутларни! мицелийси зарарланган усимлик хужайрасида ривожланади. Мицелийла хужайраларни тешиб, ташкарига конидия бандларининг хосил кил ад Конидиялар бандлари ичиди конидиялар ёки зооспоралар жойланади.

Бу оилага - *Phytophthora* авлоди киради. Зарарланган усимл* хужайралари ичиди зооспорангийлар ушиб, икки хивчинли зооспораларг айланади ва бу зооспоралар бошка усимликларни зарарлайди.

Бу авлод вакил: *Ph. infestans* - картошкани фитофтороз касаллигш кузгатади.

3- оила - *Peronosporaceae* - Булар облигат паразит холда яшовчи параз! замбурутлардир. Улар усимликларда сохта ун шудринг касллипи кузгатади. Бу оила вакиллари конидия бандларининг тузилишига караб улар бир-нечта авлодга булинади ва уларнинг ичиди конидияларни жойлашига караб авлоддар фаркланади.

1 -авлод - *Peronospora* -бу авлодга кирган замбурутларнинг конид бандлари дихотомик шохланган. Уларнинг учлари уткир булиб конидиял жойлашади. Ушбу авлод вакили *Peronospora aestivalis* -бедани сохта шудринг касаллигини кузгатади.



1-*Pythium debaryanum* 2- карам майсаларини илдиз чиритиш 3-

Phytophthora infestans 4- картошкани фитофтороз касаллигини кузгатади.


2- авлод - *Plasmopara* - бу ерда уларнинг конидия бандлари монопадиал жойлашган булади. Ушбу авлод вакили - *P. viticola* токнинг мильдю касаллигини кузгатади.

3- авлод *Bremia* - буларда конидия бандларининг учлари панжасимон шаклда булади. *Bremia lactucae* - улар салатда сохта ун-шудринг касаллигини кузгатади.

4- оила *Albuginaceae*: Бу оила замбуруглар ок занг касаллигини келтириб чикаради. Уларнгпаразит холда яшайди. Конидиялар эпидермис тагида жойлашган булади. Шунинг учун улар усимликларда ок ёстикчалар х,осил килади. Бу оилага 1 та *Albugo* авлоди киради. Бу авлодга кирувчи замбуругларнинг конидиялари булавкасимон булади. Конидиялар эпидермис ёрилгандан сунг усимликларни зарарлайди. Улар усимликларда ок занг касаллигини кузгатади.

Авлод вакили - *Albugo Candida* - крестгулдошларга занг касаллигининг келтиради.

Керакли жихозлар: Гербарийдан намуналар (лавлагини корнеед, картошка барглари фитофтороз, токнинг мильдю, карамнинг переноспоров, гул карам ва салатда ок занг касалликлари). Лупалар. Рангли жадваллар.



1-*Peronospora aestivalis* 2—бедсти сохта ун-шудринг касаллиги. 3-*Plasmopara viticola* 4-токнинг мильдю касаллиги. 5- *Bremia lactuca* б-салатда сохта ун-шудринг касаллиги. 7-*Albugo Candida*.
8- гул карамни он, занг касаллиги

МАВЗУ: ЗИГОМИЦЕТЛАР СИНФИНИНГ

СИСТЕМАТИКАСИ ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ.

Топширик ва маишулот утиш тартиби: Касаллик кузгатувчи замбуруглар ва касалликни ташки белгилари билан танишиш. Талабалар замбуругларни микроскопда куриб, расмларни ва бу синф замбуругларини систематик урни курсатилган жадвалларни дафтарларига чизадилар.

Зигомицетлар синфига кирувчи замбуруглар сапрофит ва паразит ҳолда ҳаёт кечиради. Бу замбуругларнинг мицелийси яхши ривожланган бўлиб танаси бир хужайрали мицелийдан тузилган.

Жинсий купайиши зигогамия ёрдамида яъни морфологик жихатдан бир хил карама-карши жинсли гаметалар кушилади

Жинссиз купайиши эса спорангиспоралар ёки конидиялар ёрдамида утади.

Зигомицетлар синфи 2 та тартибга бўлинади:

1. *Mucorales*. 2. *Entomophthorales* 1—тартиб:

Mucorales - бу тартиб замбуругларнинг мицелийси яхши ривожланган. Булар усимлик колдикларида, гунгларда, зах ерларда яшайди. Бу замбуруглар уругларда могорлаш, мева-сабзавотларни омборхоналарда сақлашда чириш касаллигини келтириб чиқаради.

Mucogaseae оиласи 2 та авлодга бўлинади:

1- авлод *Mucog* - бу авлод замбуругларининг спорангийлари думалар, сарик ёки кунгир рангли булади. Буларнинг мицелийси субстрат ичида усади, тусиксиз булади. Мицелийдан спорангий бандлари тик кутарилиб чиқади.

М-н. Авлод вакили *Mucog musedo* замбуруги бу бошсимон могорни ҳосил қилади.

2- авлод - *Rhizopus* - бу авлод замбуругларининг спорангийлари ҳам шарсимон шаклда бўлиб кора ва кунгир рангли булади. Буларнинг мицелийси субстратга шохланган ризоидлари билан ёпишган булади.

М-Н: авлод вакили - *R. nigricans* замбуруги бу кора ёки нон пупанагини ҳосил қилади. Бу замбуруглар ҳул чиришни олиб келади.

2- тартиб: - *Entomophthorales* - бу тартиб замбуруглари ҳашаратларда паразитлик билан яшайди. Мицелийлари вояга етганда тусиклар ҳосил қилади. Жинссиз купайиши - зигоспоралар ёрдамида булади. Бу тартибга 1 та оила қиради. - *Entomophthoraceae*.


Бу оила ҳам 2 та авлодга бўлинади:

1- авлод *Empusa* - бу авлодга кирган замбуруглар уй пашшаларини касаллантиради, буларнинг конидия бандлари булавкасимон булади.

М-н: *E. muscae* - бу уй пашшасини паразита.

2- авлод - *Entomophthora* - бу авлодга кирган замбуруглар тугри канотли ҳамда танга канотли ҳашоратларни

касалантиради. Буларнинг конидия бандлари шохланган булади.
М-н: *E. grylli* замбуруги - бу чигирткада касаллик келтиради.



1- *Mucor mucedo*. 2- *Rhizopus nigricans*. 3- *Empusa muscae*.
 4- *Entomophthora grylli*

Керакли жихочлар: Чуютт мева ва сабзавот ёки ок-сарик, кора ёки кулранг могор босган истеъмом килинадиган мах,сулот. *Мисог ва Rhizopi* замбуругларини соф культураси. Рангли жадваллар. Микроскоп, сиртмок коплагич ва буюм ойначаси, спирт лампаси. МАВЗУ: ТУБАН ЗАМБУРУГЛАРНИ СИНФ, АВЛОД, ОИЛА ВА ВАКИЛЛАРИНИ КАЛИТ ЁРДАМИДА АНИКЛАШ

кун атувч танишиш киришиш

1 .Касаллик белгилари билан тартиб ва оилага

Топиширик ва машгулот утиш тартиби:

замбуруглар ва касалликни ташки 2.Замбуругларни

калит оркали кайси аниклайдилар ва расмларни
дафтарларга чизиб оладилар.

Chytridiomycetes **синфи тартибларини аниклаш учун калит**

1 .Хивчинли зооспоралар олдинга караб харакатланишга йуналтир!

Хивчинлар туксимон шаклда. Зооспоралар зооспорангиядан таццар!

чикарилади *Hyphochytru*

-хивчинли зооспоралар оркага караб йуналтирилган. Зооспоралар]

шаклланиши зооспорангийларда булади

2. Вегетативкисми холокарпик ёки эукарпик, охирги вақтда зооспорангийлар субстратга ризоидлар орқали бириктирилган.....3
 - эукарпик шаклдаги вегетатив кисми кам ёки купрок яхши ривожланган мицелийга эга5
 3. Вегетатив кисми амeboид шаклда, етилганда бир ёки бир нечта зооспорангий айланади4
 - Вегетатив кисми -ривожпанишини бошиданок кобикка эга, $у^{с}У^{вч}$ и зооспора..... *My cochytridiales*
 4. Хужайра..... ичидаги паразит амeboид билан, етилиш даврида бир ёки бир гурух зооспоранийларга айланади *Muxochytridiales*
 - Амeboидлар хужайин хужайрада мавжуд, улар плазмодийга кушилиб, етилганида тинчлик даврини утовчи купгина спораларга парчаланади *Plasmodiophorales*
 5. Жинсий купайиши харакатланувчи бир хил (изогамия) ёки хар хил (анизогамия) гаметаларнинг кушилиши билан утади..... *Blastoclсdiales*.
Oomycetes синфи тартибларини аниклаш учун калит
 1. Хакикий мицелий йуколган. Вегетатив танаси амeboиддан иборат, етилганда зооспорангийга айланади..... *Woroninales*
 - Вегетатив танаси кам ёки куп яхши ривожланган мицелийга эга..2
 2. Гифалар чузилган, асосий тараккий этган хужайрадан чикиб кетган. Ооганий битта ооспорали *Leptomitaales*
 - Гифалар чзилмаган..... 3
 3. Вегетатив органлар яхши ривожланмаган, оддий ёки шохланган гифалар шаклида. Холокарпик шакли, сув утлари ва сув замбуругларининг паразитлари *Lagenidiales*
 4. Сув организмлари. Оогонийларда купинча бир нечта ооспоралар шаклланади *Saprolegniales*
 - Ер юзидаги организмлар тупрокда ёки юксак усимликларда паразитлик килиб яшайди. Зооспорангийлар конидия вазифасини бажаради. Оогонпйда битта ооспора шаклланади *Peronosporales*
 - Zygomycetes синфи тартибларини аниклаш учун калит**
 1. Асосан сапрофитлар. Спорангийлар хар доим колонкали ва куп споралидир, юксак вакилларида спорангий ва конидиялар аралаш.. *Mucorales*
 - 2..... Асосан умурткали хайвонлар ва хашаротларда паразитлик килади. Жинссиз купайиши факат конидиялар орқали утади..... *Entomophthorales*
- Керакли жихозлао: Гербарийдан намуналар. Соф культуралар. Микроскоп. Лупа. Рангли жадваллар.

МАВЗУ: ХАЛТАЧАЛИ (АСКОМИЦЕТЛАР) ЗАМБУРУГЛД СИНФИНИНГ СИСТЕМАТИКАСИ. ЯЛОНГОЧ ХАЛТАЧАЛ ЗАМБУРУГЛАРНИНГ КЕНЖА СИНФИ ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАР

Топиширик ва машгулот утиши тантиби: Касаллик кузгатув' замбуруглар ва касалликни таъши белгилари билан танишиш. Талабал! замбуругларни микроскопда куриб, расмларни ва бу синф замбуругларин систематик урни курсатилган жадвалларни дафтарларига чизадилар.

Аскомицетлар синфига кировчи замбуругларнинг танаси яхш ривожланган булиб, буларнинг мицелийси куп хужайрали буладо Буларнинг жинссиз купайиши конидиялар ёрдамида утади. Жинси! купайиши эса оталик ва оналик хужайраларни куншлиши ёрдамида утаде Аскомицетлар синфи халтачаларни жойлашига караб 3 та кенжа синфга! булинади.

1. *Hemiascomycetidae* (гемиаскомицетлар) кенжа синфи - яъни яланго халтали замбуруглар, булар мицелийда очик холда жойлашади.

2. *Loculoascomycetidae* (локулоаскомицетлар) кенжа синфи - яъни сохта мев танали замбуруглар, булар мицелийни оралигида махсус бушлиютард жойлашади.

3. *Eusascomycetidae* (эуаскомицетлар) кенжа синфи яъни хакикий халтал] замбуруглар, булар мицелийда мева таналарнинг ичида жойлашади.

1. *Hemiascomycetidae* (гемиаскомицетлар) кенжа синфига кировч! замбуруглар зарарланган усимлик органларида жойлашган булади. Бу кенж| синф 2 та тартибга булинади.

1. *Endomycetales* (эндомукеталес) тартиби.

2. *Taphrinales* (тафриналес) тартиби.

1. *Endomycetales* тартибига кировчи замбуруглар сапрофит холда хаё1 кечиради. Булар табиатга жуда кенг таркалган булиб, шакарга бой булга! меваларда, шикастланган дарахт танасининг ширали окимида, гуј нектарларида учрайди. Бу тартиб *Endomycetaceae* оиласини ташкил этади Оила эса бир неча авлодга булинади.

1. *Endomyces* (Эндомукес)

2. *Nematospora* (Нематоспора)

3. *Saccharomyces* (Сахаромуйес)

1. *Endomyces* авлодига кировчи замбуруглар мицелий шохларид халталар ва споралар хосил килади. Буларнинг шакли думалок ёю калпокчасимон булади.

Масалан: *Emali* олманинг чириш касаллигида учрайди.

2. *Nematospora* авлодига кировчи замбуругларининг мицелийси яхпя ривожланган булиб, споралари елпигичсимон ёки думалок шаклда булади.


3. *Saccharomyces* авлодига ачитки замбуруглар киради. Бу авло, вакилларининг хакикий мицелийси булмаиди, булар куртакланиш

йул! билан хосил буладиган бир ядроли хужайралардан иборат.

Asocal куртакланиш йули билан купаяди.

Taphrinales тартибига кирувчи замбуруглар паразит холда хаёт кечиради. Бундай паразитлар усимликларда деформациялар хосил килади, яъни зарарланган органларда баргларни бужмайиши, меваларда эса данаксизликни ва турли шакл узгаришларини содир этади. Бу тартибга кирувчи замбуругларнинг мицелийси ипсимон, куп хужайрали булиб, эндофит ривожланади (икки ядроли хужайрапар). Халтачалари мева танасиз мицелийни узида ялангоч холда хосил булади. Халтачалар цилиндрсимон ва зич жойлашган. Бу тартиб 1 та Taphrinaceae оиласини ташкил этади. Оила эса 1 та Taphrinia авлодини беради.

Tavhrinia авлоди вакилларининг мицелийси бир ёки куп йиллик булиб, куп йилликлари дарахтларнинг танасида сакланади, бир йилликлари эса баргларда ривожланади. Куп йиллик замбуругларнинг мицелийси тукималарда чукур жойлашиб куртакларда кишлайди ва келгуси йилда янги органларни зарарлайди



1- *Endomyces mali* 2-олманинг чириш касаллиги 3- *Nematospora gossypii*- гузанинг очилмаган кусагидаги толалар касаллиги. 4- *Saccharomyces* 5- *Taphrina deformans*. 6- *Taphrina cerasi*

Масалан: *Taphrinia deformans* баргларда бужмайиш касаллигини келтирувчи замбуруг. *Taphrinia cerasi* - дарахтларда супургилар хосил килувчи замбуруг.

Керакли жихозлар : Рангли жадваллар. Гербарийдан намуналар (шафтоли баргларини бужмайиши). Фиксация килинган банкалар (олхури меваларини данаксизланиши). Лупалар.

МАВЗУ: ЭУАСКОМИЦЕТЛАРНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ.1 ПЛЕКТОМИЦЕТЛАР ТАРТИБ ГУРУХИ, УЛАРНИНГ

СИСТЕМАТИКАСИ ВА ВАКИЛЛАРИ

Топширик ва машгулот утиши тартиби: Касаллик кузгатувчм замбуруглар ва касалликни ташки белгилари билан танишиш. Талабалав замбуругларни микроскопда куриб, расмларни ва бу синф замбуругларини систематик урни курсатилган жадвалларни дафтарларига чизади.

Euscomycetidae (Эуаскомицетлар) кенжа синфига кирувчи замбуруглар хакикий замбуруглардир. Бу замбуругларнинг халтачалари мева таналарнинг ичида жойлашган булади. Мева танасининг тузилишига караб бу кенжа синф 3 та тартиб гурухига булинади:

1. *Plectomycetidae* (Плектомицетлар).
2. *Discomycetidae* (Дискомицетлар).
3. *Pyrinomyetidae* (Пириномицетлар).

Plectomycetidae тартиб гурухига 2 та тартиб киради. 1. *Plectoascales*.

2. *Erysiphales*.

1. *Plectoascales* тартибига кирувчи замбуругларнинг мева таналари клейстотециялардан иборат булиб, уларнинг ичида халтачалар бетартиЙ жойлашган. Споралари купинча рангсиз, баъзи холларда рангли булади. Бу тартиб замбуруглари сапрофит булиб, усимлик ва хайвон колди клари ва бошкаларда хаёт кечиради. Баъзи авлодлари ишлаб чикаришда ахамиятга! эгадир. Бу тартиб 1 та *Euratiaceae* (Эуратация) оиласини ташкил этади. Бу оила замбуруглари уругларда турли касалликларни келтиради, меваларни сакдашда яшил губорларни хосил килади. Бу оила 2 та авлод беради:

1. *Aspergillus*
2. *Penicillium*

Бу авлодлар бир -биридан конидияларининг тузилишига караб фарк килади. Буларни турли хил чириган усимлик колдикларида, истеъмол килинадиган махсулотларда, меваларда учратиш мумкин.

2. *Eysiphales* тартибига кирувчи замбуругларнинг мева таначалари) клейстотецийлардан иборат. Бу замбуруг облигат паразитлар хисобланадил Буларнинг мицелийси яхши ривожланган булади. Кишлок хужалш! усимликларида ун-шудринг касалликларини келтиради. Бу тартибга 1 та *Erysiphaceae* оиласи киради. Оила эса уз ичига бир нечта авлодни олади. 1. *Sphaerotheca* (Сферотика) авлоди вакилларининг клейстотеция хивчинлари - вегетатив гифаларга ухшаш булади.

2. *Podosphaera* (Подосфера) авлоди вакилларининг клейстотеция хивчишг ипсимон булиб, учлари шохланган булади.


3. *Erysiphe* (Эризифе) авлоди вакилларининг клейстотеция хивчинлиги о булиб, халтачалари жуда куп булади.

4. *Leveillula* (Левелюля) авлоди вакилларининг хивчинлари мицели“ ухшайди.

S.Microsphaera (Микросфера) авлоди вакиллар|нинг клейстотеция

Г

-4 итгян булиб, учлари хивчинлари мева тананинг устки кисмига
жоилаиан
панжасимон шохланган булади.



1-*Aspergillus niger*. 2-Пуёзнинг аспергиллез касаллиги. 3-*Penicillium*. 4-
пуёзнинг пенициллез касаллиги. 5- *Sphaerotheca*, 6' *Podosphaera*,
7- *Erysiphe*. 8- *Microsphaera*. 9 - *Phyllactinia* 10 - *Uncinula*.

6. *Uncinula* (Унцинула) авлоди вакиллариининг хивчинлари
мева тананинг тагидан уралган бир нечта хивчинлардан иборат, учлари
эса спиралга ухшад уралган булади.

7. *Phyllactinia* (Филлактиния) авлоди вакиллариининг

клеистотеци хивчинлари 2 хил булади, тепа кисмида ингичка шохсимон гифалар холидо урта кисмида эса бигизсимон булади.

Бу авлодлар бир-биридан халтачалар сони ва клейстотециясин хивчинларини жойлашига караб фарк килади.

Керакли жихозлар. Гербарийдан намуналар (олма, беда, ток, кайраго| ва галла донлиларнинг ун-шудринг касалликлари). Рангли жадваллар. Со< культура, микроскоп, сиртмок, буюм ва коплагич ойналар, спирт лампаси.

МАВЗУ: ПИРИНОМИЦЕТ ВА ДИСКОМИЦЕТЛАР ТАРТИБЛА] ГУРУХИ, УЛАРНИНГ СИСТЕМАТИКАСИ ВА ВАКИЛЛАРИ

Топпирик ва маишгулот утиши тартиби: Касаллик кузгатувч] замбуруглар ва касалликни ташки белгилари билан танишиш. Талабалм замбуругларни микроскопда куриб, расмларни ва бу синф замбуругларищ систематик урни курсатилган жадвалларни дафтарларига чизади.

Pyrenomycetidae тартиб гурухига кирувчи замбуругларнинг мева таначалари перитецияларидан иборат булиб, яхши ривожланган кобик била] уралган. Купчилик периномицетларни перитецияси ёки стромалари ту1 рангларда, айримлари эса очик рангларда буялган булади. Бу тартиб гурух] стромаларда мева таначаларида жойлашиши ва рангларига караб 4 та тартибга булинади: 1 .*Hyphocreales*; 2.*Clavicipitales*; 3.*Sphaeriales* 4.*Diaporales*.

1. *Hyphocreales* (Гипокреалес) тартибига кирган замбуругларнинг мевг танаси перитецияларидан иборат булиб, уларнинг ранглари очик ва якко! кузга ташланадиган булади. Булар сапрофит холда, айримлари паразит ход® яшайди. Бу тартибга битта *Nectriaceae* оиласи киради. Бу оила эса уз ичип бир нечта авлодни олади.


Nectria (Нектрия) авлоди вакилларининг перитециялари якка ёки туп- туп булиб, стромалар устида, тук жигар рангда хосил булади. Стромалар эса очик рангларда, ёстиксимон, этли булади.

Macalan: *N. #я//г#<?и*-дарахтларда рак касалликларини келтиради.

Calonectria (Калонектрия) авлоди вакилларининг мева танаси кобиклари юмшок, пушти ёки кизил рангларда булиб, перитециял субстратда туп-туп ёки якка, айрим холларда тукли булиб жойлаш Буларнинг стромалари булмайди.

Касаллик кузгатувчи замбуруглар ва касалликни ташки белгилари билан танишиш. Талабалар замбуругларни микроскопда куриб, расмларни ва бу синф замбуругларини $R^{сатилган}$ жадвалларни дафтарларига чизадилар. *1.Sphaeropsidales тартибига* кирувчи замбуругларнинг конидиялари пикнидаларда хосил булади. Пикнидалар шарсимон ёки ноксимон шаклга эга. Конидиялари етилгандан кейин сапрофит ҳамда паразит холда ҳаёт кечиради. Улар кишлок хужалик экинларида сулиш, догланиш ва курук чириш касалликларини кузгатади. Бу тартиб замбуруглари пикнидаларини рангги ҳамда уларни тузилишига қараб бир нечта оилаларга бўлинади:

1. *Сферопсидасия - Sphaeropsidaceae*
2. *Нектридиация - Nectriodaceae*
3. *Лептостромация - Leptostromaceae*

Шулардан асосийси *Sphaeropsidaceae - Сферопсидасия* оиласидир.

1. *Sphaeropsidaceae* оиласига кирган замбуругларнинг пикнидалари тук рангли, шарсимон, каттик, терисимон, тешикчали ёки берк холда субстратда жойлашган булади. Бу оила бир нечта авлодларга бўлинади:

1. *Phoma - Фома*
2. *Ascohyta - Аскохума*
3. *Septoria - Септория*
4. *Diplodia - Диплодия*

Phoma авлоди замбуругларининг конидиялари бир хужайрали, рангсиз булади. Бу авлод вакиллари асосан пояларни зарарлайди.

Масалан: *Phoma betae* - лавлагиди фомоз касаллигини кузгатади.

Бундан ташқари оиланинг авлодлари вакиллари кишлок хужалик экинларида куйидаги касалликларни кузгатади.

Масалан: *Phyllosticta mali* -олма баргида догланиш *Ascochyta pinodes*- нухотда тук догланиш аскохитозини *Septoria lycopersici* — помидор баргларида ок догланиши *Septoria nodorum* - бугдойда септориозни *Polystigmata rubrum* - олхурида кизил догланишини *Sphaeropsis molorum*- олмада кора рак касалликларини кузгатади.



1 - *Ascochyta pinodes*; 2 - *Septoria nodorum*.

2. *Mycelia sterila* тартиби. Бу тартиб замбуруглари уралашиб кетган гифаларда, турли хил склероцияларда учрайди. Ушбу тартиб замбуруглари ҳам догланиш, чириш ва сулиш касалликларини келтириб чиқаради. Бу тартиб асосий иккита авлодга бўлинади: 1.


Склеротиум, 2-Ризоктония.

1. *Sclerotium* авлоди замбуругларнинг мицелийси яхши ривожланган, одатда ок склероциялари майда думалок шаклда булади. Бу авлод вакиллари чириш касаллигини келтириб чикаради.

2. *Rhizoctonia* авлоди замбуругларининг мицелийси оддий тузилган булиб кизгиш ёки кунгирсимон рангда булади. Склероциялари гифаларда ипсимон булиб ривожланади. Бу авлод вакиллари усимликларда чириш в~ догланиш касаллигини кузгатади.

Масалан: Rhizoctonia solani - гузда илдиз чиришни, *Rhizoctonia aderholdi* - карамда кора сон касаллигини кузгатади.

Керакли жихозлар: Гербарийдан намуналар (помидорнинг септориоз, олхщрининг ыизил до-ланиш, олманинг ыора рак, карамни ыора сон). Рангли жадвалар. Микроскоп буюм ва коплагич ойначалар, сиртмок, спир лампаси.



1-*Rhizoctonia solani* - гузда илдиз чириши; 2- *Sclerotinia sclerotium*
 МАВЗУ: ДЕЙТРОМИЦЕТ СИНФИ, ТАРТИБ, АВЛОД, ОИЛА ВА
 ВАКИЛЛАРИНИ КАЛИТ ЁРДАМИДА АНИКЛАШ

Deuteromycetes синфи *Moniliaceae* оиласини аниклаш учун калит (бир хужайрали конидиялар)

1. Конидиябандлар мавжуд эмас. Конидиялар гифаларни ёки барча мицелий

оидияларга булинишида хосил булади 2

-Конидиябандлар нисбатан ривожланган 3

2. Мицелий устки, субстратга ёйилган ёки ёстикчасимон йигилган, енгил

булинувчи. Конидиялар шарсимон, сапрофит *Oospora*

-Мицелий усимлик тукиларида ичида ривожланади ва зич гифалар туплами холида ташкарига чиқади ва оидияларга булинади,

занжирчалар шаклида шаклланади. Усимликларда паразитлик килади *Monilia*

3. Конидиябандлар..... кучсиз ривожланган. Мицелий усимлик органларининг сиртига чузилади, гаусториялари оркали эпидермиаль хужайрага киради. Конидиялар занжирча шаклида булиб конидиябандларнинг учида хосил булади

Oidium

4. Конидиябандлар оддий баъзан шишган..... 5

5. Конидиябандлар тишсимон, устыицадан туп булиб чиқади, замбуруг танасида ривожланади.

Конидиялар шарсимон. Юксак усимликларда паразитлик килади

Ovularia

6. Конидиябандлар оддий, ингичка. Конидиялар конидиябандларнинг учида биттадан хосил булади ва шарсимон шаклда шилимшик билан ёпишади.

Усимлик колдикларида сапрофит..... *Cephalosporium*

-Конидиябандлар шарсимон, кам холларда туногичсимон, тепага караб бурган, конидиялар занжир шаклида..... *Aspergillus*

7. Конидиябандларшоҳланган, факат учки кисмида шингилсимон стеригмада, конидиялари занжир шаклида *Penicillium*

8. Конидиябандлар шоҳланган мицелийдан унчалик фарк килмайди.

9. Конидияларшарсимон, учки кисмида йигилган..... *Trichoderma*

10. Конидиябандлар дарахтсимон шоҳланган, кайрилган, купинча учки кисми кенгайган, кичик тишчалар билан копланган. Усимлик колдикларида сапрофитлар..... *Botrytis*

Конидиялар конидиябандларнинг шоҳларини учида якка холда шаклланади. Куп кисми сапрофитлар..... *Verticillium*

(икки хужайрали конидиялар, битта тусикли)

1. Конидиябандлар чилчуга ухшаб шоҳланган..... *Diplocladium*

2. Конидиялари.....икки хужайрали, нотекис ёнли, рангсиз. Конидиябандларининг учи кучсиз

каварик.Сапрофитлар..... *Trichothecium*

3. Конидиябандлар.....спиралсимон эгилган, бир тутам..... *Bostrychonema*

4. Конидиябандлар.....оддий ёки кучсиз шоҳланган, спиралга ухшаб эгилмаган..... *Didymaria*

(икки хужайрали конидиялар, битта ва бир нечта тусикли)

1. Конидиябандлар кучсиз ривожланган ёки умуман мавжуд эмас2

-Конидиябандлар яхши ривожланган, субстратдан якка ва туп булиб чиқади.....4

2. Конидиялари.....3-5 тусикли ва 2

та ипсимон усимтали..... *Mastigosporium*

-Конидиялар цилиндр-дугсимон шаклда.....3 1

3. Конидиялар.....якка, дугсимон, уроксимон эгилган.Баргларда паразитлик килади *Fusoma*

4. Усимликларнипаразитлари, догланиш билан боглик 5 |

5. Конидиялари.....узун, чужинчок

тукмоксимон, 5-7 тусикли, конидиябандлар киска..... *Cercospora*

-Конидиялар туногичсимон, тухумсимон, эллипс шаклда лекин узун

эмас....6

б.Конидиялари 1-3 кундаланг тусикли, чужинчок ноксимон *Piricularia*

- Конициялари цилиндрсимон ёки овал. 1-3 та тусикли.
Конициябандлари оддий, киска, баргнинг остки юзасига огизчалар оркали даста булиб чикиб туради..... *Ramularia*
Deuteromycetes синфи *Dematiaceae* оиласини аниклаш учун калит
- 1 .Конициябандлар мавжуд эмас ёки кучсиз ривожланган, худди гифаларнинг шохланиши ухшаш..... 2
- Конициябандлар кучсиз ёки куп ёки кам ривожланган4
- 2.Замбуруг танаси булиниш даврида конидиялар шаклланади, шарсимон, тухумсимон ёки дисксимон, субстрат сиртида корамтир увокладаниган туплам ҳосил қилади.....
..... *Coniosporium*
3. Конициялар зайтун рангли, жигар ранг, алохида гифаларни булиниши занжир шаклида ҳосил бўлади.....*Torula*
4. Конициялари.....бир хужайрали, бурчаксимон. Конициябандлари шохланган, баъзан уларда тук рангли эндоген конидиялар (эндоконидия) ривожланади
Thielaviopsis
5. Конициялар.....занжир шаклида ҳосил бўлади 6
- Конициялар занжирларда эмас 8
6. Конициябандлар..... оддий ёки кучсиз шохланган 7
7. Кониция занжирлари конидиябандларнинг учида жойлашган..... *Catenularia*
8. Конициябандлар шохланган, жигар ранг ёки очикрок, цилиндр ёки туногичсион стеригма билан, шохларининг учки қисмида туп булиб жойлашган. Конициялар стеригмада якка, корамтир, силлик ёки тиканакли.....*Stachybotrys*
Deuteromycetes синфи *Melanconiaceae* оиласини аниклаш учун калит
бир хужайрали конидиялар, рангсиз
1. Ложаси ботик, лекин эрта очик рангларда ташкарига чикиб туради, купинча кенг ёйилган. Конициялар конидиябандларнинг учки қисмида ёки ёнидан туногичсимон булиб ҳосил бўлади.....*Aureobasidium*
- Ложалар очик ёки корамтир бўялган, субстрат туқимасига ботиб туради в узок вақт улар билан копланади. Конициялар шилимшиқ массага ботган. Паразитлар ёки сапрофитлар 2
2. Ложа..... думалок, тикансиз.....*Gloesporium*
3. Конициалложаси четлари юмшоқ тук тусли тиканли. Конициялари овал, тухумсимон, бир хужайрали*Colletotrichum*
- Конициялар рангсиз, бир тусикди* 1 .Конициялари шнурланган, икки хужайрали, анча йугон устки хужайрали; ложаси асосан тук рангли*Marssonina*

-Конидиялар чузилган, урчуксимон. Шохларда ва баргларда ривожланади *Septomyxa*
Deuteromycetes синфи *Sphoeropsidaceae* оиласини аниклаш учун калит
 пикноспоралари бир хужайрали, рангсиз.

1. Пикноспоралари майда, рангсиз. Пикнидалари асосан баргларда жойлашувчи доғларда ҳосил булади. Усимлик паразитлари ҳисобланади *Phyllosticta*

2. Пикноспоралари майда, рангсиз, эллипсоидсимон; усимликнинг асосан қуриган шохлари, илдизлари, новдалари ва уруғларида ҳосил булади. Сапрофитлар, баъзан усимлик паразитлари ҳисобланади *Phoma*

3. Пикноспоралари бир хужайрали, рангсиз, елпигичсимон; дарахтларнинг асосан шохлари, новдалари ва марказий шохларида ҳосил булади... *Phomopsis*

4. Пикноспоралари майда, рангсиз, таёкчасимон ёки бироз овалсимон *Deuterophoma*

5. Пикноспоралари майда, рангсиз, эгилган. Пикнидалари стромаларда ҳосил булади *Cytospora*
 пикноспоралари икки хужайрали, рангсиз.

1. Пикноспоралари рангсиз, икки хужайрали, чузилгансимон. Улар усимликлар паразита ҳисобланади *Ascochyta*
 пикноспоралари икки хужайрали, рангли.

1. Пикноспоралари рангли, битта кундаланг тусикли, эллипсоидсимон *Diplodia*
 пикноспоралари куп хужайрали, рангсиз.

1. Пикноспоралари рангсиз, ипсимон ёки цилиндрсимон, баъзан эгилган, куп хужайрали *Septoria*
Deuteromycetes синфи *Mycelia sterila* тартибини аниклаш учун калит

1. Мицелий склероций ҳосил қилади 2

-Мицелий склероций ҳосил қилмайди *Ectostroma*

2. Мицелийси куп хужайрали, тук рангли, склероцийси тук рангда, ясси, нотугри шаклда
 *Rhizoctonia*

3. Мицелийси яхши ривожланган, куп хужайрали, склероцийси майда, юмалок ёки ясимксимон *Sclerotium*

МАВЗУ: БАКТЕРИАЛ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

Топирик ва машғулот утиш тартиби: Бактериялар қузғатадиган касалликларни таъки белгилари билан танишиш. Талабалар бактерияларни соф култураси ва гербарийларни микроскопда қуриб, расмларни дафтарларига чизадилар.

Бактерияларнинг умумий тавсифи. Бактериялар бир хужайрали

хлорофильсиз оргънизмлардир. Бактериялар жуда юпка кобик билан уралган протоплазмадан иборатдир. Уларнинг улчами 0.06-0.3 дан 3.5 микронгача булиши мумкин. Бактериялар купинча шарсимон, таёкчасимон шаклга эга булади. Деярли хамма бактериялар хивчинга эга булиб, бу хивчинлар хужайранинг бир ёки икки учига, айрим холларда эса бутун хужайра буйлаб жойлашгандир. Хивчинлар ёрдамида бактериялар харакатланади. Хивчинга эга булмаган бактериялар харакатланмайди. Фитопатоген бактерияларда бир катор ферментлар: протеаза, амилаза, протопектиназа ва бошкалар бор. Мавжуд ферментларнинг юкори даражали фаоллиги туфайли бактериялар усимлик ичига кириб, хужайра деворларини емиради, хужайрани нобуд булиши туфайли патологик жараён кузатилади, бу эса касалликни турли хил куринишларда намоён булади.

Бактериялар усимлик ичига турли ёриклар, кирилган жой ва бошка механик шикастланган кисмидан хамда табиий тиркишлар устида, чечевичка оркали киради.

Усимларда бактериялар кучгатадиган касалликларни паренхимали ва паренхимали-утказувчи тукима касалликларга булиш мумкин.

Паренхимали касалликлар туфайли паренхима тукпмалари зарарланади. Бунда касаллик догланиш, чириш ва шишларни хосил булиши билан намоён булади.

Догланиш. Касалликни бу тури зарарланган усимлик аъзоларида ноаник шаклли ёки бурчакли догларни хосил булиши билан тавсифланади. Бактериялар учун хос булган доглар замбуругларникидан фарк килиб, уларнинг сиртида губор ёки кора нукталар кузатилмайди. Бундан ташкари] догларни хосил булиш даврида улар ёгсимон куринишда булади. Мисол килиб, 1) гузани гоммозини; 2) бодринг бактериозини; 3) тамакини бактерия келтирадиган касаллигини олишимиз мумкин.



— I —' 21

1-гуза гоммози; 2-картошканинг хул чириши

Чириш. Усимликнинг озука моддасига бой булган аъзолари пиезбоши, туганак, илдизмева ва бошка кисмларида бактериялар чиришни юзага келтиради. Бунда аввал хужайра оралигидаги модда кейинчалик хужайра пусти емирилади. Зарарланган усимлик аъзоси олдин юмшайди, сунгра ёкимсиз хид чикариб хул чириш юзага

келади. Бунга мисол килиб картошканинг хул чириш касаллигини олиш мумкин.

Шишларнинг хосил булиши. Айрим фитопатоген бактериялар узидан хужайрани булинишини тезлаштирадиган моддаларни ажратади, бу эса усимликнинг зарарланган аъзоларида турли хил шишларни юзага келишига сабабчи булади.

Касалликнинг бу турига мисол килиб мева дарахтларининг кучатларини илдиз ракини ва токнинг рак касаллигини олишимиз мумкин.

Паренхимали-утказувчи тукима касалликлари. Касалликни бу тури усимликнинг утказувчи тукима найларини ҳамда паренхима тукимасини зарарланиши туфайли келиб чиқади. Касаллик усимликни кисман ёки бутунлай сулиши, доғлар ва чиришни юзага келиши билан намоён булади.

Сулиш. Усимликнинг утказувчи тукима найларини зарарланиши туфайли усимлик кисман ёки бутунлай сулиши, утказувчи найлари эса кунгир тусга кириши мумкин. Бунга мисол килиб помидор раки ва картошканинг халкали чиришини оламиз.

Фитопатоген бактериялар ичида факат доғлар ёки чириш куринишидаги касаллик турини келтириб чикарадиган вакиллари ҳам учраб туради,- Лекин шундай бактериялар ҳам борки, утказувчи тукима навларни зарарлаш билан биргаликда паренхима тукималарини ҳам зарарлайди. Бундай касаллик куриниши касалликнинг аралаш тури деб аталса ҳам булади. Зарарланган усимликнинг ер устки кисми сулийди ҳамда мева ва туганакларида доғлар ёки чириш кузатилади (помидор раки, картошканинг халкали чириши).



1-мева дарахтларини кучатяари илдиз раки; 2- помидорнинг бактериал раки

Керакли жихозлар: Гербарийдан намуналар; бодринг ва гузанинг зарарланган барглари, зарарланган олма кучатларининг илдизи, токнинг зарарланган пояси. Консерваланган курғазмалар картошканинг халкали.

1
ч

МАВЗУ:ВИРУС КАСАЛЛИКЛАРНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

Топиширик ва машгулот утиш тартиби: Вируслар кузгатадиган касалликларни ташки белгилари билан гербарийлар оркали танишиш.

Талабалар расмларни дафтарларига чизиб оладилар.

Усимликларда вируслар кузгатадиган касалликларнинг умумий тавсифи. Вируслар хақидаги таълимотнинг асосчиси рус олими Д.И.Ивановский булиб хисобланади. Филтратланувчи вируслар усимликларда касалликни кузгатади.

Фитопатоген вируслар тирик организмга хос хусусиятга эгадир. Вируслар кимёвий таркибига кура оксил ва нуклеин кислотадан иборатдир. Вируслар тирик хужайрада купаяди.

Фитопатоген вируслар зарарланган усимликнинг хужайрасида кристаллар хосил килади. Вируслар хосил киладиган кристалларни биринчи булиб 1902 йили Д.И.Ивановский томонидан топилган.

Вирусларнинг шакли жуда хам турли тумандир (таёкчасимон, ипсимон,

юмалок), уларни факат электрон микроскоп оркали куриш мумкин.

Фитопатоген вируслар (вирионлар) оксил кобиги (капсула) билан уралган нуклеин кислотанинг бир ёки иккита ипчасидан иборат. Купчили фитопатоген вируслар таркибида эса ДНК (дезаксирибонуклеи кислота) мавжуд. Вируслар факат нуклеин кислотадан иборат булиб, капсулага эга булмаса вириодлар дейилади. Вирусларнинг шакл нанометрларда улчанади.

Вирусларнинг хаётий фаолияти хужайин усимликнинг хужайрас билан чамбарчас боғлангандир ва улар факат шу хужайра ичида купаяди. Вируслар купинча бир усимликдан иккинчи усимликка сурувчи хашоратла оркали утади.

Шуни таъкидлаш керакки, илгари вируслар кузгатадига касалликларнинг (саргайиш ва супургиларнинг хосил булиши) хозирд микоплазмалар келтириб чикариши аниқданилган.

Вируслар усимликларда кузгатадиган касалликларининг белгилари
Усимликларда вируслар кузгатадиган касалликларнинг ташки белгисиг караб мозаика, усимлик аъзоларининг узгариши ва кунгир доғларни хосил! булиш турларига булинади.

Мозаика туфайли зарарланган усимликнинг барглари, пояси, гули ва! мевасида ранглар галланиб жойлашади. Мозаикада усимликни сот аъзосидаги ранг билан ок-саргиш, оч яшил ёки бошка ранглар билан галланиб жойлашади.

Мисол тарикасида бодрингнинг мозаика касаллигини олиш мумкин. Зарарланган усимликларнинг барглари согга нисбатан майда булиб, унда тук яшил, оч яшил ва сарик яшил кисмлар яккол ажралиб туради. Барг у ёки бу даражада тиришган булади. Касалликнинг бундай белгилари усимликнинг юкориги баргларида яккол куринади. Меваларда ҳам шундай мозаикани кузатиш мумкин. Зарарланган меваларнинг сирти нотекис булиб, тук яшил Кисми буртиб чиккан булиб, купинча мевалар куримсиз булиб колади.

Усимлик аъзоларининг узгариши Гделормация). Вируслар таъсирид усимлик аъзоларини узгариши барглари ипсимон, папоротниксимон, майдаланган ёки катталашиб кетиши тарикасида намоён булиши мумкин. Барг, гул ва меваларнинг шаклини узгариши зарарланган тукималарнинг айрим кисмини нотугри ривожланиши туфайли юзага келади. Бу эса баргларда тиришиш ёки бошка узгаришларни, меваларда эса шаклини узгаришига олиб келади.

Бунинг учун помидор барглари папоротниксимон ёки ипсимон булиб колиш касаллигини олишимиз мумкин. Биринчи холатда зарарланган усимликнинг баргларининг пластинкалари кундалангига киркилган булиб, куриниши папоротник баргига ухшайди. Баргни ипсимон тусга кирипга яккол куринади. Бунда барг пластинкаси энсиз булиб, унинг учун муйлов сингари ингичкалашиб чузилган булади. Айрим холда барг пластинкаси энсизланиб ипсимон тусга, хатто

бутунлай емирилиб кетиши мумкин.

Кунгир догларни хосил булиши ёки тукималарни нобуд булиши.

Баргларда якка ва халкасимон доглар, поя, мева ва барг бандида эса кунгир

узунасига кетган чизиклар тарикасида намоён булади.

Касалликнинг бу тури билан танишиш учун памидор пояси ва барг бандида узунасига кетган кунгир, айрим холда ялтирок доглар кузатилади. Барг пластинкасида бурчакли ёки маълум бир шаклсиз корамтир доглар хосил булади. Зарарланган меваларда ёриклар ёки кунгир доглар юзага келади.



1-бодринг мозаикаси; 2-помидор баргининг инсимон булиши; 3-стрик

Керакли жихозлар: Усимликларнинг вируслар келтириб чиқарган касалликларидан ва соглом усимликдан намуналари (тамаки, помидор, бодринг, картошка, сули, тол) ва рангли жадваллардан фойдаланилади.

МАНБУ :ФИТОИЛАЗМА КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

Топширик ва машгулот утиши тартиби: Фитоплазмалар кузгатадиган касалликларни ташки белгилари билан гербарийлар оркали танишиш. Талабалар расмларни дафтарларига чизиб оладилар.

Усимликларда Фитоплазмалар кузгатадиган касалликларнинг умумий тавсифи.

Микоплазмалар юмалок, эллипсимон ёки маълум шаклсиз булиб, уларнинг диаметри 26-1000 НМ, мембрана билан уралган, лекин хужайра қобиғи йук. Микоплазмалар, вирусларга нисбатан мураккаброк тузилишга эгадир. Уларнинг таркибида 2 хил нуклеин кислота-ДНК ва РНК бор. Микоплазмалар зарарланган усимликнинг флоэмасида (турсимон най, флоэма паренхимаси, йулдош хужайра) хужайрасининг цитоплазмасида кузатилади. Бу макроорганизмлар соғ усимликка цикадка хашорати, зарпечак оркали ҳамда пайвандлаш даврида утиши мумкин. Хозирги вақтда 60 га яқин экинларда микоплазмалар кузгатадиган касалликлар маълум. Микоплазмалар кузгатадиган касалликларни аниқлашнинг асосий усули булиб, электрон микроскоп ёрдамида кузатиш ҳисобланади. Микоплазмалар вируслардан фаркли равишда сунъий

озика мухитларида ривожланади.

Тетрациклин гурухига мансуб булган антибиотикларнинг микоплазмаларга таъсири жуда сезиларли. Уларни касалликка карши кулланилганда усимлик маълум микдорда айрим холда бутунлай согайиб кетади. Бундай холат микоплазма кузгатадиган касалликларни аниклашда ҳам фойдаланиши мумкин.

Охирги вақтда усимликларда микоплазмалардан ташкари, риккетсия ва спироплазмаларга яқин булган организмлар ҳам кузатилган.

Фитоплазмаларни усимликларда кузгатадиган кагаппикларнинг белгилари.

Микоплазмалар усимликларда кузгатадиган касалликларни ташки куруниши куйидаги турларга булинади: саргайиш, пастбуйилик, супургиларни хосил булиши ва усимликнинг генератив аъзоларин узгариши.

Микоплазма кузгатадиган касалликларнинг саргайиш тур усимликнинг бутунлай ёки айрим шохларини сарик тусга кириш кузатилади, бунда зарарланган аъзоларнинг флоэмасига узгариш сод булмай, балки усув жараёни бузилганлиги кузатилади. Касалликнинг саргайиш турига шафтоли ва астри саргайишини, шолини пастбуйл саргайиш касалликларини ҳамда бошка бир катор мисолларни келтиришими мумкин.

Микоплазма кузгатадиган пастбуйилик ва супургиларни хос килиш касаллик турлари ҳам кенг таркалгандир.

Пастбуйилик касаллик турини купрок галла донли экин л ар Д. кузатилади. Касалликни бу тури билан танишиш учун сулини пастбуйилик касаллигини олиш мумкин. Бунда зарарланган сулининг буйи паст булиб, унинг пояси ривожланмай, бутун барглари илдиз атрофига тупланган булади, поялар сони ҳам бир канчага етади. Бундай усимликнинг илдизи ривожланмай, бир тутам булиб колади.

Супургиларни хосил булишида зарарланган усимликнинг шохларини усув нуктасидан бир новданинг)фнига бир канча новдалар ривожланиши туфайли улар майда булади, буни четдан Караганда супургиларп ухшатилади.

Микоплазма кузгатадиган касалликни бу турига мисол килиб то супурги хосил килиш касаллигини олишимиз мумкин.

Микоплазмалар кузгатадиган усимликнинг генератив аъзоларини узгариши турида зарарлаган гулларни ранги яшил тусга киради ва гул к' барглар купинча ривожланиб кетади. Касалликнинг бу турига мисол кили помидорнинг, булгор калампирининг, баклажоннинг столб касалликларини ва бошка касалликларни олиш мумкин.

Керакли жихозлар: Усимликларнинг фитоплазмалар келтири чикарган касалликларидан ва соглом усимликдан намуналар (тамаки помидор, бодринг, картошка, сули, тол). Касалликнинг

ташқи курунишин урганиш учун гербарий ва фиксация килинган материаллардан ва рангл жадваллардан фойдаланилади.



1



1-шафтолининг саргайиши; 2-арпанинг буйининг пастбуйлиги;
3- помидорнинг генератив органларини узгартири.

МАВЗУ:ГУЛЛИ ПАРАЗИТЛАРНИНГ АСОСИЙ ГУРУХЛАРИ

Топширик ва машгулот ўқиш тартиби: Машгулот давомида гулли ярим паразитларнинг асосий вакиллари билан танишиб, уларни курунишини баён қилиш керак, шумгия ва зарпечакни асосий турлари билан танишиб, уларнинг морфологик белгиларига эътибор бериш зарур. Микроскоп остида шумгия ва зарпечакнинг уругини тузилишини кузатиб, уларнинг улчамини олиш керак. Танишиб чиқилган гулли-паразит усимликларнинг расмлари чизилади.

Деярли ҳамма гулли юксак усимлик мустақил равишда анорганик моддалардан органик моддаларни ҳосил қилишади, яъни автотроф озикланади. Бу усимликлар одатда яхши ривожланган илдизларга эга бўлиб, улар орқали тупроқдан сув ва минерал моддаларни олади ҳамда яшил барглари ёрдамида куёш нуридан фойдаланиб, органик моддаларни ҳосил қилади.

Лекин бу гуруҳга қирувчи айрим ботаник оилаларга мансуб бўлган усимликлар узининг ҳаётий фаолияти туфайли ярим ёки тулик паразит ҳолатда яшашга мослашган. Паразит ҳолда ҳаёт кечириши уларни бошқа усимликларнинг илдизи ёки ер устки аъзоларида ёпишиб яшашга мослашишига олиб келган. Ана шундай ҳаётий фаолиятига кура, гулли паразит усимликлар илдиз ва поя паразитларига бўлинади. Бу усимликларнинг яшаш шароитига кура уларнинг илдизлари қисман ёки бутунлай ривожланмаган. Шунинг учунлар ҳужайин усимликдан сув, минерал ва органик моддаларни оладилар.

Юкорида қайд этилган гулли паразит усимликлар узида органик моддаларни ҳосил этишига кура узаро бир биридан фарқ қиладилар. Гулли паразит усимликларнинг айримлари яшил барг ва пояга эга

булганлиги учун органик моддаларни ҳосил қила олади, шунинг учун уларни ярим паразитлар ҳам деб юритилади. Айримлари эса юксак усимликларга хос булган органик моддаларни -ҳосил қилиш хусусиятини (шу билан бирга хлорофилл доначаси ва яшил рангини) йукотган. Бундай паразитлар хужайин усимликлардан факат сув ва минерал моддани эмас, балки органик моддаларни ҳам оладилар. Шунинг учун уларни тулик паразитлар деб аталади. Гулли паразит усимликлар бир неча гуруҳларга бўлиниб урганилади.

1. Гулли-ярим паразит усимликлар; а) илдиздаги; б) поядаги

2. Гулли - тулик паразит усимликлар ;) илдиздаги; б) поядаги

Илдиздаги гулли -ярим паразит усимликларга Иван - да-Мария усимлигини олишимиз мумкин. Иван-да-Мария усимлигининг илдизида майда сургичлар бўлиб, шулар ёрдамида турли дарахтлар ва буталар илдизига ёпишиб олиб яшайди. Бу оилага қирувчи бошқа усимликлар! (погремок, мутник) утсимон усимликларда ярим паразит ҳолда ҳаёт¹ кечирилади. Улар утсимон усимликларни сийраклаштирилади ва йигиладиган ҳашакнинг сифатини пасайтиради.

Дарахтларда ярим паразит ҳолда ҳаёт кечирувчиларга мисол қилиб омелани олишимиз мумкин.

Омела (Viscum album L.). Омела яхши ривожланган яшил баргга ва тармоқланган шохларга эга булган куп йиллик усимликдир. У икки паллали,! икки уйли, яъни оналик гули ва оталик гули алоҳида усимликларда ривожланадиган усимликдир. Меваси-резавор мева бўлиб, ёпилганда ранги! ок тусга қиради. Резавор мева уругли бўлиб, елимсимон моддага эгадир. Ёпилган уруғлар факат ёруғликда униб чиқади. Униб чиккан майса катга бўлиб, учи ясси. Пояси калин кутикула билан қопланган, лекин пуқак қавати булмаганлиги учун сувни. осонлик билан парлатиб юборади, шунинг учун сувга булган талаби қучли. Купинча усимликнинг омела зарарлаган қисми йугонлашиб кетиб, қуриниши шишга ухшаб қолади. Агар шишни қундаланг кесиб қаралса, усимликнинг пустлоқ қисмида омелани илдизи-ризоидларини қуришимиз

1 Омела;2-зарпечак;3-шумгия

МАЗҶУ:УСИМЛИК ҚАСАЛЛИКЛАРИГА ТАШХИС ҚУЙИШ

Топириқ ва машғулот утичи тартиби: Замбуруғларнинг морфологиясини тулик урганиш учун уларнинг тузилиши, споралари ва мева таналари билан танишиш керак.

Усимликларда замбуруғлар қузғатадиган қасалликларга ташхис қуйиш.

Усимликларда барча патологик узғаришларга фитопатоген замбуруғлар сабаб бўлиб, улар усимликларнинг сиртида яққол ажралиб турадиган симптомлар ҳосил қилади. Замбуруғлар қузғатадиган қасалликларга қуйидаги белгиларни қелтиришимиз мумкин: губорлар, доғ-ёстикчалар,

мумкин. Дарахтнинг ривожланиши туфайли бу ризоидпар камбий кисмига караб чуқурлашиб боради. Бундан куришиб турибдики, омелада хакикий илдизлари булмайди, балки уларнинг урнини сургичлар босади. Омела олма, нок, терак, эман, игна баргли дарахтларда ва бошка манзарали дарахтларда паразитлик килади. Омелани уруги кушлар ёрдамида: таркатади. Улар ёпишчок булганлиги учун дарахтларга ёпишиб кейин, аста-секин ушиб ривожланади.


Тулик паразитларни урганишда уларнинг паразитлик хаёт кечиришидаги айрим хусусиятларига эътибор беришимиз зарур. Булар куйидагилардир: илдиз системаси йук, буларнинг урнини сургичлар олади, барглари йук, пояси сиёх ранг ёки саргиш лекин яшил эмас. Тулик паразитлар ичида шумгия ва зарпечак алохида урин тутати.

Шумгия (*Orobanchae*). Шумгия-шумгиядошлар оиласиг* (*Orobanchaceae*) мансуб булиб, илдизда паразитлик килувчи гулли усимликларга киради. У этли, саргиш остки кисми йугон пояга эга булиб, барглари деярли йуколиб кипиксимон тусни олган. Шумгияни илдизи йук, гуллари-бошок. Бу бошоқларда жуда куп, майда бир неча йиллар давомида тупрокда уз унувчанлигини йукотмайдиган уруглар етилади. Шумгия бир йиллик усимликдир.

Хужайин усимликнинг илдизидан ажратилган моддалар таъсирида шумгия уруги униб чикиб усимликни илдизига ёпишиб ривожлана бошлайди. Илдизга ёпишган шумгиядан юмалок куртак хосил булади. Ундан эса илдиз ичига ушиб кирган сургичлар юзага келади, сунгра усимликнинг пояси ривожланади. Шумгияни куйидаги турларининг зарари каттадир, шулардан кунгабокар шумгияси (*Orobanchae cunana*) шохланган шумгия (*Orobanchae ramosa*), миср шумгияси (*Orobanchae aequiphica*), сарик шумгия (*Orobanchae luted*). Шумгия узаро морфологик белгилари билан бир-биридан фарк килмасдан, балки маълум усимликка мосланганлиги билан ҳам фаркланади.

Зарпечак (*Cuscuta*). Зарпечак усимлик поясида паразитлик килувчи гулли усимликдир. У хлорофилсиз булиб, илдизи ҳам, барги ҳам йук. Зарпечак ингичка, айрим холларда шохланган пояси билан хужайин усимлик бандита ёпишиб, сургичлари ёрдамида ундан узига керакли булган сув, минерал ва органик моддаларни олади. Зарпечак жуда куп микдорда уруг хосил килади. Бу уруг тупрокда купинча хужайин-усимликнинг уруги билан сакланади. Зарпечак уруги кусакчаларда хосил булади. Бу уруглар маданий усимликлар уруги билан, чиримаган гунг ва бир катор бошка йуллар оркали таркалиши мумкин. Зарпечак факат уруги ёрдамида эмас, балки поясини айрим булаклари оркали ҳам таркалади. Зарпечакнинг кенг таркалган ва зарарли турлари куйидагилардир: европа зарпечаги (*Cuscuta eugopaea*), зигир зарпечаги (*Cuscuta*), дала зарпечаги (*Cuscuta arbensis*), ингичка пояли зарпечак (*Cuscuta*

apporoximata).



Керакли жихозлар: Гербарийдан намуналар (зарпечак, шумгия, арцетобиум, омела). Омелани фиксацияланган уруги. Рангли жадваллар.
ВЛП



пикнидалар, спораложа, доглар, сулиш, чириш ва шишларни хосил булишидир.

Усимлик касалликларини симптомларига караб аниклай олинмаса, унда кушимча усуллар яъни замбуругларни соф культурасини ажратиш, препаратларни микроскоп оркали анализ килиш, усимликларни сунъий зарарлаш усулларида фойдаланилади.

№ 1 препарат. Бир хужайрали мицелий.

Бир хужайрали мицелий билан танишиш учун *Miscog* замбуругларидан фойдаланамиз.

Rhizopus nigricans замбуруги мицелий ва споралардан ташкил топган кунгир . губоридан игна оркали олиниб буюм ойначасига бир томчи сув устига утказилади ва коплогич ойнача билан ёпилади. Микроскоп остида курилганда кунгир шохланган лекин тусикларга булинмаган ипларни куриш мумкин.

№ 2 препарат. Куп хужайрали мицелий.

Куп хужайрали мицелий билан танишиш учун сабзавот ва бошк кишлок хужалик экинларида кул ранг чириш касаллигини кузгатувчи *Botryti cinerea* замбуругидан фойдаланамиз.

Буюм ойначасига оз микдорда касаллик кузгатувчининг мицелийсидан олиниб препарат тайёрланади. Микроскоп остида курилганда тусикларга булинган ипларни куриш мумкин.

Керакли жихозлар: Усимликларни касалликлар билан зарарланган намуналари ёки гербарийлари. Сархил сабзи илдизмевалари ок чириш билан касалланган, карамбоши ва

пиёзнинг кул ранг чириши. *Mucor*, *Rhizopus nigricans* ва *Botrytis cinerea* замбуругларининг соф культуралари. Буюм ва коплогич ойначалар. Микроскоп. Препаровал игналар. Скальпел.

Усимликларда бактерия кузгатадиган касалликларга ташхис куйиш.

Топиширик ва машгулот утиши тартиби:! тик объектлардан, гербарийдан намуналар ёки фиксация килинган материаллардан фойдаланиб, усимлик касалликларини ташки белгиларининг симптомларини расмлари чизилади ҳамда улар хақида маълумотлар ёзилади. Бактериал касалликларнинг турларига караб уларни гурухларга булинади.

Бактериялар усимликларни турли аъзоларини ва тукималарини, айникса углеводларга бой булган усимликларни зарарлайди. Зарарланган баргларда бактериялар догларни ва шишларни кузгатади. Туганакларда, пиёзбошлар ва илдизмеваларда бактериал касалликлар чириш куринишид намоён булади. Баъзи фитопатоген бактериялар хужайранинг усиши ва булиниш жараёнини устириш хусусиятига эга булади, бу эса касалланган усимлик аъзоларида шишлар хосил килади. Бактериялар паренхима тукималардан ташкари усимлик томирларига тушиб уларнинг утказувчи

найчаларини ҳам зарарлайди. Натижада усимликнинг утказувчи найчаларида тикилмалар ҳосил булади ва усимлик сулийди. Томирли бакетриоз касалликларига томатнинг рак, карамнинг бактериоз ва картошканинг халкали чириш касалликларини мисол килиш мумкин.

Барча бактериал касалликларни куйидаги грухдарга булиш мумкин:

1. Паренхиматоз касалликлар, яъни чириш, догланиш ва шишлар куринишида булади.

2. Паренхиматоз - утказувчи найчалар оркали эса сулиш касалликбелгилари намоён булади.

Керакли жихозлар: картошканинг хул чириши, гузанинг гоммоз, томатнинг бактериал рак, лавлагининг туберкулез, картошканинг халкали чириш касалликлари билан зарарланган усимлик намунапарни ёки гербарийлари.

Усимликларда вирус ва микоплазмалар кузгатадиган касалликларга ташхис куйиш.

Топширик ва машгулот утиши тартиби: Усимликларда касаллик кузгатадиган вирусларнинг турларини аниклаш учун касалланган усимликларни куриш оркали аникланади (пиёз, лавлаги, томат ва тамакининг мозаикаси, томатнинг стрик, ипсимон ва папоротниксимон булиши).

Мозаика ҳосил булган усимлик баргларида ранглар галланиб жойлашади, баъзи жойларида яшил ранг сакланиб қолади, баъзи жойлари рангсизланади, оч яшил, сарик, ок ранглар ҳосил булади. Усимлик баргларининг галланиб жойлашиши яъни рангсиз ва тук ранглар аралашиб мозаика ҳолига келади.

Мозаика туфайли усимликда патологик жараён узгариши кузатилади, буларга пиёз, лавлаги, томат ва тамакининг мозаикаси, томатнинг стрик, ипсимон ва папоротниксимон булишини мисол килиш мумкин. Усимликлар вируслар билан касалланганда симптомлари аник куринмаса, уларни микроскоп оркали кузатилса, тукима хужайраларининг ичида узгаришларни кузатиш оркали вируслар борлиги аникланади.

Талабалар соглом ва вирус билан касалланган усимликларни таккослаб анализ киладилар ва препарат тайёрлайдилар ҳамда усимликларни сунъий зарарлайдилар.

Препарат куйидагича тайёрланади: касалланган усимлик баргларини чап кул билан орка томонига угирилади ва пастки кисмини тепага каратилади. Устара ёрдамида юпка килиб кесилади ва микроскоп остида курилади.

Усимликларни сунъий зарарлаш учун касалланган усимликларнинг шарбатидан олиб, тайёрлаб куйилган индикатор усимликларнинг баргларида суртилади.

Касалланган усимликларнинг шарбатини олиш учун 5-6 та баргини олиб, форфор ховончада буткасимон масса ҳосил булгунча

эзилади. Хосил булган массани дока ёрдамида сикиб, шарбати
олинади. Сикиб олинган

III

шарбатнинг микдорига тенг микдорда сув кушилади. Барглари сунъий зарарлашдан олдин майда эзилган шиша кукунлари билан пуркалади, кейин барглари сув билан намланади. Тоза пахтали тикилмаларни (пробка) олдиндан тайёрлаб куйилган касалланган усимлик шарбатига ботирилади, кейин тоза касалланмаган усимлик баргларига куйилади. Бу тажриба 3-4 марта утказилади. Зарарланган усимлик баргларига кейин этикетка тупдирилиб, кузатилади.

Усимликларда касаллик кузгатадиган микоплазмалар учун умумий саргайиш, мозаика ранглар ҳосил булмаслиги, усимлик аъзоларини қисман ёки бутунлай узгариши, усув нукталари ва ривожланиш жараёнларининг бузилиши белгилари ҳосилдир.

Усимликнинг репродуктив аъзоларида, гул ва куртакларида деформациялар яққол қуринади. Касалланган гуллар умуман ривожланмайди, баъзилари тез ушиб кетади ҳамда хунук шаклга кириб гуллари яшил тусга қиради. Бундай гулларни узгариши томатнинг столбур касаллигида қупрок кузатилади.

Усимликларнинг микоплазма кузгатадиган касалликларига ташхис қуйишда макроскопик усулдан ташқари, табиий шароитда ҳаво ҳароратини ошириши ва касаллик кузгатувчининг антибиотикларга сезгирлигини аниқланади.

Касаллик кузгатувчининг антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш учун касалланган усимликларни 0,5-1% тетрациклин гидрохлоридини эритмаси билан ҳар 3-5 кунда пуркалади, усимлик илдизларини экишдан олдин ботириб олинади, экилганларини эса шу эритма билан сугорилади. Ишлов берилган усимликларни кузатиб борилади, микоплазма кузгатадиган касаллик симптомлари аста секин қайишиб, кейинчалик бутунлай йуқолади.

Керакли жихозлар: Вирус билан касалланган усимликлар: пиёз, лавлаги, томатнинг мозаикаси, томатнинг стрик, ипсимон ва папоротниксимон бўлиши. Микоплазмалар билан касалланган усимликлар: шафтоли барглариининг саргайиши, томат столбури. Оддий лупалар, Бую ойначаси, Устара, Микроскоп. 0,5-1% ли тетрациклин эритмаси.

АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

1. Мишустин Е.Н., Емцов В.Т. Микробиология. М., «Колос» 1978-87 й
2. Федорова И.В. - Микробиология. Тошкент, 1966.
3. Азизов Г.Р. - Тупрок унумдорлигини оширишдаги процессларда микроорганизмларни роли. Тошкент, 1967.
4. Гариев Б. - Микробиология. Тошкент, Мехнат 1990.
5. Саттарова Р. ва бошқалар. - Микробиология, /маъруза матнлари/ Тошкент, 2000 й.
6. Власов Ю.И., Ларина Э.И. - Сельскохозяйственная вирусология. М., Колос., 1982 г.
7. Дьяков и др. - Общая и сельскохозяйственная

- фитопатология. М., Колос., 1984 г.
8. Попкова К.В. -Общая фитопатология. М., Агропром.1989 г.
9. Родигин М.Н. - Общая фитопатология. М., 1977 г.
- Ю.Головин П.Н. и др. - Практикум по общей фитопатологии.Л., Колос., 1977 г.
11. Горленко М.В - Бактериальные болезни растений. М., 1985 г.
12. Сахобиддинов С. - Усимликлар систематикаси. Т., 1957 й.
13. Саттарова Р.К ва бошқалар,- Умумий фитопатология /маъруза матнлари / Тошкент., 1999 й
14. Саттарова Р.К ва бошқалар. - Умумий фитопатология /услубий Кулланма/,2001.
- 15.Зупаров М.А. ва бошқалар.Микробиологиядан лаборатория машгулотлари (укув кулланма).2014.

МУНДАРИЖА

№	Лаборатория машгулотларини мавзулари	бет
1	Лаборатория билан танишиш. Микроскопнинг тузилиши	4

из

2	Препаратларни тайёрлаш техникаси ва бўяш усуллари.	9
4	Микроорганизмларни шакли	13
5	Микроорганизмларни экиш усуллари	16
6	Стериллаш усуллари	19
7	Озукали мухитларни тайёрлаш	22
8	Бижгиш. Спиртли бижгиш	26
9	Сут кислотали ва мой кислотали бижгиш.	28
10	Пектинли ва клетчаткаларни бижгитувчи микроорганизмлар б-н танишиш	32
11	Аммонификация жараёни ва аммонификаторлар	35
12	Нитрификация ва денитрификация жараёни	36
13	Азотфиксация ва азотфиксаторлар	39
14	Хаво ва сув микрофлораси	43
15	Гупрок микрофлораси	47
16	Ризосфера ва эпифит микроорганизмларини аниклаш	49
17	Усимлик касалликларининг асосий турлари.	53
18	Мицелий ва унинг шакл узгаришлари	56
19	Замбуругларнинг купайиши	57
20	Замбуругларнинг мева таначалари	59
21	Замбуруглар систематикаси. Хитридиомицетлар синфи, систематикаси ва вакиллари	60
22	Оомицетлар синфининг систематикаси ва вакиллари	63

23	Зигомицетлар синфининг систематикаси ва уларнинг вакиллари	67
24	Тубан замбуругларни синф, авлод, оила ва вакиллари калит ёрдамида аниклаш	68
25	Халтачали (Аскомицетлар) синфининг систематикаси. Ялонгоч халтачали замбуругларнинг кенжа синфи ва уларнинг вакиллари	70
26	Эуаскомицетларнинг характеристикаси. Плектомицетлар тартиб гурухи, уларнинг систематикаси ва вакиллари	72
27	Пириномицет ва дискомицетлар тартиблар гурухи, уларнинг систематикаси ва вакиллари	74
28	Локулоаскомицетлар кенжа синфининг характеристикаси, систематикаси ва вакиллари	78
29	Аскомицет синф, авлод, оила ва вакиллари калит ёрдамида аниклаш	80
30	Базидиомицетлар синфининг систематикаси. Холобазидиомицет кенжа синфининг тавсифи	84
31	Базидиомицетлар синфи телеоспорамицет кенжа синфининг тавсифи	87
32	Базидиомицет синфининг, кенжа синфи, гурух тартиби, тартиб, авлод, оила ва вакиллари калит ёрдамида аниклаш	90
33	Деутеромицетлар синфи, гифомицеталес тартибининг	93 ~

	тавсифи	
34	Деутеромицетлар синфи, меланкониалес тартибининг характеристикаси ва систематикаси	95
35	Деутеромицетлар синфи, сферосопсидалес ва мицелия стерилия тартибининг характеристикаси ва систематикаси	96
36	Дейтромицет синфи, тартиб, авлод, оила ва вакиллари калит ёрдамида аниклаш	98
37	Бактериал касалликларнинг асосий белгилари	100
38	Вирус касалликларнинг асосий белгилари	102
39	Фитоплазма касалликларнинг асосий белгилари	104
40	Гулли паразитларнинг асосий гуруҳдари	106
41	Усимлик касалликларига ташхис қўйиш	108

1- *Monilia* конидиялари

2. *Dematiaceae* оиласи вакиллари мицелийси, конидиябандлари ва конидиялари рангли булади, Бу оилага ҳам бир нечта авлод киради. Булардан энг асосийлари:

1. *Кладаспориум* — *Cladosporium*. 2. *Гелментоспориум* —

Helminthosporium. 3. *Серкоспора* - *Cercospora* . 4. *Алтернария* - *Altemaria*.

Cladosporium авлодининг конидиялари бир хужайрали, бир, икки тусикли, овалсимон ва занжирсимон жойлашади. Авлод вакили *Cladosporium fulvum* помидорда кунгир догланишни кузгатади.

Бундан ташкари оиланинг авлодини вакиллари кишлок хужалик экинларида куйидаги касалликларни кузгатади.

Масалан: *Thielaviopsis basicola* - гузада кора илдиз чириш

Fusicladium dendriticum - олмада парша

Clasterosporium carpophyllum - урикда клястоспариз

Macrosporium solani - картошкада макроспариз

Cercospora beticola лавлагиди церкоспороз касалликларини кузгатади.